*ЖАМОАВИЙ МЕҲНАТ САМАРАСИ*

3



*... Капитан Ботиржон Баётов малакали профилактика ходими сифатида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, содир этилганларини фош этиш ҳамда жамоат тартибини сақлашга қаратилган масъулиятли вазифаларни бажариб келмоқда...*



*ВАЖНО СОХРАНЯТЬ СПОКОЙСТВИЕ!*

11

*ЧЎЛПОН – ҲУРЛИК КУЙЧИСИ*



12

*«Бизнинг бахтсизлигимиз – нодонлигимизда, холос. Миллат уйғонсин, кўзини очсин, ўқисин, билим олсин, маданий миллатлар қаторига кирсин, сўнгра у ҳам ўз давлати, ўз бахти, ўз саодатини қуради. Миллатни уйғотиш – уйғонганларнинг вазифаси!»*

*САҲНА – ҲАЁТНИНГ БИР КЎРИНИШИ*



*...Тарихий фильмларни яхши кўраман. Жалолиддин Мангуберди ролини ижро этишни хоҳлардим...*

17


Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
30-iyul
payshanba

№ 26 (4464)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz


ТУМАН ИИБДА

# АСОСИЙ МАҚСАД – ХОТИРЖАМЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ



**...Бандихон тумани таркибида 22 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Аҳолиси 76 минг нафарни ташкил қилади. 41 та мактаб, 7 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та шифохона, 13 та қишлоқ врачлик пункти, 504 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда...**




5

ЙЎЛ ҚОИДАНИ ЁҚТИРАДИ

# ПИЁДА ҲАМ МАСЪУЛ





**... Пиёдаларнинг йўлларда хавфсиз ҳаракатланиши ва улар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида Урганч, Гурлан ва Ҳазорасп туманлари ҳудудидаги пиёдалар ўтиш жойларига тунги пайтда ёниб турувчи 300 та чироқ ўрнатилди. Ҳозирда ҳам бу борадаги ишлар давом этмоқда...**

6

## ҲАФТА ҚАҲРАМОНИ



1989 йил Тошкент вилоятининг Чиноз туманида туғилган. Ички ишлар органларидаги илк фаолиятини 2009 йилда бошлаган. Айни пайтда Сирғали тумани ИИОФМБ қўриқлаш ва хизмат кўрсатиш гуруҳида хизмат қилмоқда. Болалигидан спортга ошно бўлган Чинпўлат ҳозир ҳам бўш вақтларида бокс билан шуғулланади.

Сафдор Чинпўлат Тошпўлатов хизмат фаолияти давомида жорий йил июль ойининг ўзида бир неча жиноятларнинг фош этилишида жонбозлик кўрсатди.

Карантин даврида кучайтирилган хизматга жалб этилган сафдор Чинпўлат Тошпўлатов ўша куни Сирғали туманида жойлашган ЙПХ масканида хизмат вазифасини ўтаётганди. Автоуловлар бирма-бир постдан ўтказилаётган пайт «Спарк» русумли транспорт воситасидаги йўловчиларнинг ўзини тутиши шубҳа уйғотди. Машинани четроққа олиб ўтилди ҳамда ҳайдовчи ва тўрт йўловчи холислар иштирокида кўздан кечирилди. Уларнинг ҳеч биридан шубҳали нарса топилмади. Навбат транспорт воситасига келди. Автомашина тинтув қилина бошланганида олд ўриндиқда келган йўловчи саросимага туша бошлади. Кейин бирданига номаълум томонга қочди. Лекин у узоққа кета олмади.

Қочоқ қўлга олингач, сафдор Чинпўлат Тошпўлатов у ўтирган ўриндиқни кўздан кечирди. Ўриндиқ тагидан эса целлофанга ўралган елимга ўхшаш модда топилди. Экспертиза хулосасига кўра, ўриндиқ тагидан топилган мазкур модда гашиш гиёҳвандлик моддаси экан.

Сафдор Чинпўлат Тошпўлатовнинг хизмат фаолиятида бу каби ҳолатлар кўп учрайди. Хусусан, жорий йилнинг 7 июль куни худди шу блок-постда 0,74 грамм «спайс» синтетик гиёҳвандлик моддасини олиб кетаётган ҳуқуқбузарнинг қўлга олинишида ҳам у фаоллик кўрсатди.

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ХИЗМАТЛАРДА

# МАДАДГА ШАЙ ПОСТЛАР

**Коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш, осойишталикни таъминлаш юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ соҳавий хизматлари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**



Аҳоли осойишталиги ва хотиржамлигини таъминлаш учун икки босқичда пиёда патруль, мотопатруль ва автопатруль экипажлари хизматга жалб қилинган. Шу ўринда айтиш лозимки, карантин вақтида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳар қачонгидан кўра муҳим. Туманлар кесимида ташкил қилинган «Мадад» постларида соҳавий хизматлар ходимларининг фаолият олиб бораётгани ижобий самара бераётир.

– Юртдошларимиз орасида белгиланган карантин қоидаларига амал қилишни истамаётган инсонларнинг учраётгани афсусланарлидир, – дейди Тошкент









шаҳар ИИББ ППХ бригадаси 1-батальони отряд командири, майор Азиз Усмонов. – Пойтахтимиз аҳолисининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш борасида ўтган ҳафтада кўплаб ана шундай қоидабузар шахслар аниқланди. Карантин тартиб-қоидаларини бузган шахсларга тегишли тартибда чоралар кўрилди.

**Абу КЕНЖАЕВ.**
**Муаллиф олган суратлар.**

# РАДАРЛАР НИГОҲИДАГИ РАҚАМЛАР

**Маълумки, шу йилнинг 10 июлидан мамлакатимизда жорий қилинган карантин қоидаларига мувофиқ, автотранспорт воситаларининг ҳаракати куннинг муайян вақтларида чекланиб, шанба ва якшанба кунлари эса бутунлай тақиқланди. Фақат муайян тоифадаги автоуловлар бундан мустасно.**

Йўлларда транспорт воситалари сони камайишига қарамасдан, биргина Тошкент вилоятининг ўзида 15 кун ичида 15859 та тезликни меъёридан ошириш ҳолати махсус автоматлаштирилган фоторадарлар орқали аниқланди. Ушбу ҳолатлар ичида тезликни белгиланган меъёрдан ҳаддан ташқари ошириб юборган ҳайдовчилар ҳам бор.



Масалан, Тошкент шаҳри Олмазор туманида яшовчи фуқарога тегишли бўлган «Малибу-2» русумли автоулов Ўртачирчиқ туманидан ўтувчи А-373 автомобиль йўлида 70 км/соат тезлик белгиланган жойда 133 км/соат тезлик билан, айнан шу манзилдаги яна бир фуқаро «Ласетти» русумли автоуловида Юқоричирчиқ туманидан ўтувчи 4Р12 автомобиль йўлида 70 км/соат белгиланган жойда 145 км/соат тезлик билан ҳаракатланганлари аниқланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, биргина июль ойининг ўзида 23 та йўл-транспорт ҳодисаси айнан тезликни меъёридан ошириш туфайли содир бўлган. Хулоса ўрнида ҳайдовчиларни «Тезликни оширманг!» дея огоҳликка чақиришни ва борар манзилига соғ-омон етиб олишини тилаб: «Йўлингиз бехатар бўлсин!» дейишни лозим топдик.

**Рустам АСҚАРОВ,**
**Тошкент вилояти ИИББ ЙҲХБ матбуот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.**

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

# ЭНГ МУҲИМ ОМИЛ

**Бутун Қуролли Кучлар тизимида бўлгани сингари, ИИВ Қоровул қўшинларида ўтказилаётган ислоҳотлар ҳам, аввалambor, ҳарбий қисмларнинг жанговар тайёргарлигини ва шайлигини оширишга хизмат қилмоқда.**



ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли Тошкент шаҳрида жойлашган 7531-ҳарбий қисмда аскарларнинг жанговар қуроллардан фойдаланиш сирларини ўрганишлари, шахсий таркиб билан амалий машғулотлар ўтказиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Ҳарбий қисмда бой китоб фондига эга кутубхона мавжуд. Бу ерда ҳарбий хизматчилар ўзлари қизиққан китобларни мутолаа қилиб, бўш вақтини мароқли ўтказишади. Қолаверса, келгусида олий ўқув юртига кириш истагида бўлганлар тайёргарлик кўриб, ўзларининг билимларини оширишади. Бундан ташқари, ҳар ойда бир марта китоб ярмаркаси ташкил этилади.

Ислоҳотлар жараёнида ҳарбий қисмнинг инфратузилмаси такомиллаштирилди. Шахсий таркибнинг хизмат ва яшаш шароитлари яхшиланди. Хусусан, жанговар тайёргарлик машғулотларини амалиётга имкон қадар яқинлаштириб, юқори савияда ўтказиш мақсадида Қоровул қўшинлари тактик тайёргарлик ҳамда спорт шаҳарчалари жорий таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, шартнома асосида хизматни давом эттирмоқчи бўлган аскарлар бу ерда ҳарбий кўникмаларини оширибгина қолмай, спорт турлари билан шуғулланиб, жисмоний жиҳатдан ҳам чиниқиб боришяпти.

Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг маиший шароитларини яхшилаш масаласи ҳам ҳарбий қисм раҳбариятининг доимий диққат марказида. Аскарлар ҳаммоми, ётоқхонаси, ошхонаси капитал таъмирланди. Руҳий енгиллаштириш, фуқароларни қабул қилиш ҳамда маърифат хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланди. Яна бир катта ютуқ – ўтган йилдан бошлаб шахсий таркиб овқатланиши учун аутсорсинг шартлари асосида давлат-хусусий шериклик механизми жорий этилди.



Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтини битирган ёш офицерларнинг бир гуруҳига ҳарбий қисм ўз эшикларини очди. Улар олий ҳарбий таълим муассасасида олган назарий билимларини ва эгаллаган амалий кўникмаларини ўз хизмат фаолиятида қўллашга, ҳарбий қисмнинг нуфузини оширишга ҳисса қўшишга астойдил бел боғлашган. Бу ерда уларга бунинг учун кенг имкониятлар яратилган. Қолаверса, малакали офицерлар ёш сафдошларига устозлик қилиб, ўз тажрибаларини ўргатишади.

Бир сўз билан айтганда, барча ишларнинг ислоҳотлар талаблари асосида олиб борилаётгани ҳарбий қисм шахсий таркиби олдига қўйилган жанговар вазифаларнинг юқори даражада бажарилишида энг муҳим омил бўлмоқда.

**Зариф НАЗАРОВ,**
**подполковник.**

## ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

**Яқинда Президентимизнинг «Коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойилик кўрсатган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Унга кўра, коронавирус пандемияси туфайли юзага келган мураккаб ва синовли кунларда ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморлар ҳаётини асраш, уларга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги алоҳида хизматлари, шунингдек, ўз бурчи ва қасамёдига содиқ қолиб, зиммасига юкланган вазифаларни бажариш йўлидаги улкан жасорати ва фидойилиги учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди.**

**Улар орасида ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бўлим бошлиғи лавозимида хизмат қилган (марҳум) подполковник Шавкат Нафасов, Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси бошлиғи, капитан Ботиржон Баётов ҳам бор.**

# ВАТАН СОДИҚ ФАРЗАНДЛАРИГА СУЯНАДИ

**Ҳақиқий ватанпарвар ким? Балки, у оловли жанггоҳларда қон кечмас. Эҳтимол, ажал уруғини сочаётган ўқлар ёмғири остида қаҳрамонлик намунасини кўрсатмас. Бироқ у бажараётган вазифаси, қилаётган иши киндик қони томган муқаддас заминнинг яшнашига, осойишталигига омил бўлаётганини юрак-юракдан сезса-да, ҳеч қачон Ватанини севиши ҳақида кўксига уриб ҳайқирмайди...**

Онани севганидай Ватанини ҳам тамасиз севади. Онаси иш буюрса, хурсанд бўлган фарзанддек, Ватани хизматга чорласа, «лаббай», дея ҳар қандай юмушни адо этишга чоғланади ва ҳар қандай манзил сари равона бўлади. Бундай қалб эгаси фақат ва фақат халқи, она Ватанининг корига ярашдек улуғ бахтга мушарраф бўлганини ҳис этади. Зеро, эл-юрт корига яраш ҳаммага ҳам насиб этмайдиган улуғ шарафдир. Шу боис бўлса керак, қилинажак дуоларимизнинг асоси, олаётган таълим-тарбиямизнинг пойдеворида айнан мана шу эзгу мақсадга қаратилган.

ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасининг бўлим бошлиғи, подполковник Шавкат Нафасовнинг хизмат фаолияти билан яқиндан танишаркансиз, юқоридаги фикрлар беихтиёр хаёлингиздан ўтади. Лабларингиз эса маҳзун пичирлайди: «Ватан оғир ва таҳликали дамларда ўзининг содиқ фарзандларига суянади»...

Кўп йиллик самарали хизмати ва фидойилиги, касбга ва Ватанига содиқлиги учун вафотидан кейин «Жасорат» медали билан тақдирланган подполковник Шавкат Нафасов 1972 йил Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида туғилган эди. 2002 йилдан бошлаб ички ишлар органлари соҳавий хизматларида фаолият олиб бориб, халқ тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган эди.

– Юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонлар фуқаролик паспорти билан боғлиқ турли масалаларда ички ишлар органларига доимий равишда мурожаат қилади, – дейди ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бўлим бошлиғи, полковник Фахриддин Турсунов. – Улар орасида, табиийки, турли тоифа ва характердаги инсонлар бор. Шу боис улар билан хушмуомалада бўлиш, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш, зарур маслаҳатлар бериш кишидан юксак маънавият ва гўзал одоб-ахлоқни талаб этади. Шавкат Нафасов ана шундай хислатларга эга, ўз касбини чин дилдан севувчи, фидойи ҳамкасбларимиздан бири эди. Ўзаро суҳбатларда одамлар бизнинг муомаламизга қараб, ички ишлар органлари тизимига баҳо беришини асло ёддан чиқармасликни ёш ходимларга кўп бора уқтирганига гувоҳ бўлганман. Айтган гапингиз қачон таъсир кучига эга бўлади? Албатта, унга ўзингиз амал қилсангиз. Унинг яна бир афзал жиҳати шунда эдики, бирор киши ёки қўл остидаги ходимларга бирон гапни айтишдан олдин ўзи унга қатъий амал қиларди.



Подполковник Ш. Нафасов ўтган йиллар давомида Тошкент вилояти ИИББ ва ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасида турли лавозимларда самарали хизмат қилди. У ўз касбига ва қасамёдига содиқ раҳбар ходим сифатида қалбимизда мангу қолади.

Доно халқимизда яхшилик беиз кетмаслигига оид ибратли нақллар бор. Ш. Нафасовнинг шогирдлари ва фарзандлари унинг ибратли ва шарафли ишини давом эттиришига ишончимиз комил.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**

# ЖАМОАВИЙ МЕҲНАТ САМАРАСИ

**Ички ишлар органларидаги хизмат фаолиятини саккиз йил олдин бошлаган капитан Ботиржон Баётов малакали профилактика ходими сифатида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, содир этилганларини фош этиш ҳамда жамоат тартибини сақлашга қаратилган масъулиятли вазифаларни бажариб келмоқда. Хусусан, бевосита у етакчилик қилаётган профилактика инспекторлари томонидан ўтган йил ҳамда жорий йилнинг олти ойи мобайнида 3 тадан ўғирлик, ноқонуний қурол, фоҳишахона ва гиёҳванд моддаларни сақлаш, 5 та маъмурий назорат қоидаларини бузиш жиноятлари фош этилган, бир нафар қидирувда бўлган шахс ушланган.**

Бундан ташқари, 77 нафар муқаддам судланган шахслар билан доимий равишда профилактик ишлар олиб борилди. 30 нафари ишга жойлаштирилди, 20 нафарига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилиб, 5 нафар маъмурий назоратда турган муқаддам судланган шахс маъмурий назорат чеклов қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилди. 1189 нафар шахс қайта жиноят содир этмасликлари мақсадида профилактик ҳисобга олинган, 12 нафар спиртли ичимликка ружу қўйган шахсга нисбатан ҳужжатлар расмийлаштириб, туман суди томонидан мажбурий даволаш муассасасига жойлаштирилган.



Хизмат фаолияти давомида ўзининг ижобий хусусиятларини кўрсатиб келган, талабчан ва ташаббускор ходим сифатида танилган Б. Баётов 2015 йил якунлари бўйича ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловида вилоятда биринчи, республика босқичида эса иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлган.

Айтиш жоизки, ҳозирги пандемия шароитида капитан Б. Баётов туман ички ишлар бўлимидаги ҳамкасблари билан биргаликда доимий хизмат вазифаларини бажариш баробарида, аҳоли ўртасида коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши кураш, карантин қоидалари қатъий равишда бажарилишини назорат қилиш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 16 март кунидан бошлаб, Янгиқўрғон туманида тегишли мутасадди идоралар ходимларидан таркиб топган штаб ҳамда махсус гуруҳлар томонидан амалга оширилган ўрганишлар натижасида туманга қўшни туманлардан кириш мумкин бўлган жойларга 3 та блок пост ташкил этилди. Ушбу постларда суткалик нарядлар ташкил этилиб, Республика комиссиясининг йўриқномаси асосида фаолият олиб бориш доимий назоратга олинди.

Шунингдек, туман марказидаги асосий озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи объектларда транспорт ҳаракатини чеклаш ва фуқароларга белгиланган вақтларда, якка тартибда, эркин ҳаракатланишни таъминлаш мақсадида туман ДСИ, фуқаролик суди бинолари, ҳудуддаги деҳқон бозори олдида соатлик постлар ташкил этилди.

Фуқароларнинг пандемия даврида ўзини ўзи яккалаш ва санитария қоидаларига амал қилишини таъминлаш мақсадида кенг кўламдаги тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, туман ҳамда мавжуд 71 та маҳалла фуқаролар йиғинлари марказида овозкучайтиргич воситалари орқали пандемиядан эҳтиёт бўлишни тарғиб қилувчи аудиороликлар қўйилмоқда. Бундан ташқари, етмишдан ортиқ жамоатчилик назорат масканларида профилактика инспекторлари ва маҳалла фаолларидан иборат карантин постлари ташкил этилиб, маҳаллага кириш-чиқиш доимий назоратга олинди.

Тарғибот ишлари билан бир қаторда, мунтазам карантин қоидаларини бузиб келаётган фуқароларга нисбатан таъсир чораларини кучайтиришга аҳамият берилиб, 2020 йил 16 мартдан бери жами 2364 нафар фуқарога нисбатан карантин қоидаларини бузганлиги учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54-моддаси бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилди.

«Шуҳрат» медали соҳиби, капитан Б. Баётовнинг айтишича, бу мукофот жамоавий меҳнат учун берилган эътирофдир. Чунки бундай шароитда ишдаги самарага фақатгина жамоа бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб эришиш мумкин.

**Азиза ЖОНИЕВА.**
**«На посту» мухбири.**

*Наманган вилояти.*

ИККИНЧИ ИСТЕЪДОД

# ТАЪБИ НАЗМИ ҲАМ БОР

**Кичик сержант Нажиба Бекбўтаева қарийб ўн йилдан буён ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли 7532-ҳарбий қисмда хизмат қилиб келяпти. У канцелярия иш юритувчиси сифатида махфийлик режимига риоя этган ҳолда ҳужжатларни қабул қилиб олиб, ҳисобини юритиб, ўз вақтида ижрочиларга етказади.**



Нажиба Бекбўтаева, жамоат ишида ҳам фаол. У ҳарбий қисм хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари. Шунинг учун ҳарбий хизматчиларнинг оилавий аҳволини яхши билади, муаммоларини ҳал этиш борасида ҳарбий қисм қўмондонлигига ўз таклифларини беради. Соҳадаги узоқ йиллик тажрибасидан келиб чиқиб, муддатли ҳарбий хизматчилардан ўзининг жўяли маслаҳатлари ва йўл-йўриқларини аямайди.

Лавҳамиз қаҳрамони икки фарзанднинг севимли онажониси, намунали хонадон бекаси. У ҳам хизмат вазифасини, ҳам оиладаги юмушларини бирдай эплаб келаётганида турмуш ўртоғи Эркин Қурбоновнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Эркин ака умр йўлдошини тушунади, зарур бўлганда қўллаб-қувватлайди, руҳий мадад бўлади. Улар фарзандларининг хорижий тилларни ўрганишига, спорт билан шуғулланишига шароит яратиб беришган.

Нажибахон бўш қолди дегунча, китоб мутолаа қилади. У ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналарини севиб ўқийди. Ўзининг ҳам яхшигина таъби назми бор. Қалби ҳаяжонга тўлганида қўлига қалам олади. Унинг кўпгина шеърлари газеталарда чоп этилган. Шеърлари асосан Ватан, она, юрт ҳимоячилари ҳақида. «Юрт ўғлони» шеърида Ватан ҳимоячиларига қарата шундай дейди:

Юртни қўриқлашга
бел боғла, ўғлон,
Эл учун, юрт учун
бўлгин сен қалқон.
Она халқ миннатдор
бўлсин ҳар қачон,
Юрт қадри улуғдир
ҳар недан, ўғлон.

Жамоамиздаги барча хотин-қизлар Нажибага, унинг оиласига ҳавас билан қарашади. Фурсатдан фойдаланиб, сафдошимизга хизматда янгидан-янги муваффақиятлар, оиласига тинчлик-хотиржамлик тилаб, унинг ижодидан намунани эътиборингизга ҳавола этамиз.

**Обид МУСАЕВ,
подполковник.**

## АЁЛ

*Аслида вафонинг тимсоли аёл,
Андиша, ҳаёнинг тимсоли аёл.
Уйнинг фариштаси, бокира, ҳалол,
Алпомишлар, сизга келмасин малол.
Ватаннинг тимсоли эмасми аёл?!*

*Ожиза демангиз сиз уни фақат,
Гуллардан-да гулгун у ажиб хилқат.
Севса жонин берар сиз учун, албат,
Севгисига лойиқ бўлинг сиз фақат.
Муҳаббат тимсоли эмасми аёл?!*

*У – она, у – сингил, у – вафоли ёр,
Аёл бор хонадон ҳамиша баҳор,
Хўрламанг сиз уни, бермангиз озор,
Унинг ҳам ўзидек пок юраги бор.
Покликнинг тимсоли эмасми аёл?!*

*Муаллимдир балки, балки шифокор,
У Ватан посбони ёки халоскор.
Ойдан-да ойдинроқ, гўзал, мафтункор,
Ҳеч бир қалб эгаси этмайди инкор.
Меҳрнинг тимсоли эмасми аёл?!*

*Унда Тўмариснинг жасорати бор,
Бибихоним азму шижоати бор.
Нодирабегимнинг матонати бор,
Зулфияхонимнинг садоқати бор.
Садоқат тимсоли эмасми аёл?!*

**Нажиба БЕКБЎТАЕВА.**

«ҚОРАДОРИ – 2020»

# БАРЧА ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

**Гиёҳвандлик моддалар инсон организмига тушиши билан мия фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, бора-бора у шу иллатнинг қулига айланади. Гиёҳвандлар ўзларининг номақбул эҳтиёжларини қондириш мақсадида оғир жиноятларга қўл уришади, улар учун ахлоқ чегаралари йўқолади. Бу иллатга қарши курашилмаса, жамият тубанликка юз тутади.**



Бугун дунёдаги аксар давлатлар сингари мамлакатимизда ҳам гиёҳвандликка қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, ички ишлар органлари ходимлари мунтазам равишда гиёҳвандлик моддалари етиштириш, тарқатиш, сақлаш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашмоқдалар.

Аниқ мисолларга келадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ички ишлар органлари ходимлари томонидан «Қорадори–2020» тадбирлари доирасида бир қатор жиноятлар фош этилди. Жумладан, Зомин туманининг Бирлик маҳалласида яшовчи фуқаро томорқасида 97 туп кўкнори парваришлаётганлиги аниқланди. Фориш туманининг Янгиобод қишлоғида яшовчи фуқаро эса 41 туп марихуанани томорқасидаги тут дарахти остида ҳамда хашак сақлаш учун мўлжалланган қўшимча иншоотда етиштираётгани аён бўлди.

Зарбдор туманининг Ойбек маҳалласида яшовчи, 1955 йилда туғилган фуқаронинг қилғилиғи ҳаммасидан ошиб тушди. Томорқасида 561 туп марихуана ўсимлигини етиштиргани камдек, у ўзига тегишли қўшимча иншоотда 292 грамм қуритилган марихуана ва 271 грамм заҳри қотил уруғларини сақлаб келаётган экан.

Вилоятнинг чўл туманларидаги дала майдонларида қаровсиз ҳолда ўсаётган гиёҳвандлик ўсимликларини йўқ қилиш чоралари ҳам кўрилмоқда. Хусусан, Дўстлик туманининг Қосим Раҳимов номидаги сув истеъмолчилари уюшмаси таркибидаги фермер хўжалиги даласида 600 туп, Саркисов сув истеъмолчилари уюшмаси таркибидаги фермер хўжалиги даласида 96 туп, Арнасой туманидаги Бухоро сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги фермер хўжалиги экин майдонида 35 туп марихуана ўсимликлари йўқ қилинди.

Гиёҳвандлик моддаларни сақлаш ва ўтказиш билан боғлиқ жиноятларни фош этишга қаратилган чораларнинг кучайтирилиши ўз натижасини бераётир. Чунончи, Шароф Рашидов тумани Тошкентлик маҳалласи Яккабоғ кўчасида ҳаракатланаётган «Ласетти» автомашинаси тўхтатилганида, автоулов йўловчисининг ёнидан 11 та гугурт қутисига жойланган, оғирлиги 22,51 грамм марихуана гиёҳвандлик моддаси топилди. Шунингдек, Арнасой туманининг «Олтин водий» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи 1979 йилда туғилган фуқаро 123 грамм марихуана гиёҳвандлик моддасини 450 минг сўмга сотаётган вақтда қўлга олинди.

Республикамизда ўтказилган «Қорадори – 2020» тадбирининг биринчи босқичида ходимларимиз томонидан 16 ҳолатда наркотик моддаларни ўтказиш, 34 ҳолатда гиёҳвандлик моддаларни сақлаш, 28 ҳолатда гиёҳвандлик экинларни экиш билан боғлиқ жиноятлар фош этилди. Бу йўналишдаги қонунбузарликларнинг олдини олиш ва рўй берган жиноятларни очиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдамиз.

**Шуҳрат САТТОРОВ,
капитан.**

*Жиззах вилояти.*

ҲАЛОЛЛИКНИ ШИОР ҚИЛГАН ХОДИМЛАР

# БИР ЖИНОЯТ ИККИНЧИСИГА БОШЛАДИ

Бугун халқимиз коронавирус инфекцияси кенг тарқалишига қарши бир ёқадан бош чиқариб, бу балои офатни бартараф этиш бўйича қатъий чоралар кўрмоқда. Аммо айрим юртдошларимиз ўз нафсини ўйлаб, гиёҳвандлик ўсимликларини етиштиришдек жиноятга қўл урмоқдалар. Таассуфланарли жиҳати, бир жиноят уларни бошқа бир жиноятни содир этишга ундаётганидир.

Жорий йилнинг 22 июнь куни Қарши шаҳар ИИОФМБ 2-сонли ИИБ тезкор ходимлари томонидан шаҳарнинг «Шўртангаз» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган кўп қаватли уйлардан бирида истиқомат қилувчи фуқаро Ю.З. ётоқхонасида гул тувакда гиёҳвандлик ўсимлигини парваришлаб келаётгани аниқланди. Гиёҳвандлик ўсимлиги ашёвий далил сифатида олиниб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Қарангки, қўрққан олдин мушт кўтарар қабилида иш тутган Ю.З. эртаси куни 2-сонли ИИБ ЖҚГ тезкор вакили, капитан Раим Содиқовга учрашиб, агар ишни «босди-босди» қилса, унга 1000 АҚШ доллари беришини айтади. Қасамёдига содиқ қолган тезкор ходим унга таклифини ўйлаб кўришини айтиб, бу ҳақда раҳбариятга билдирги билан мурожаат қилади.

Шундан сўнг фуқаро Ю.З. капитан Раим Содиқовга хизмат хонасида 500 АҚШ долларини пора тариқасида бераётганда қўлга олинди.

Ички ишлар органлари ходимларининг ўз касбига садоқати, бурчига масъулияти туфайли жамиятда коррупция ҳолатларининг олди олинмоқда. Соҳа фидойилари ҳалолликни устун билиб, жиноят жазосиз қолмаслигини амалда исботлашмоқда. Юқоридаги ҳолат бунинг яққол тасдиғидир.

**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қашқадарё вилояти.*

ТУМАН ИИБДА

# АСОСИЙ МАҚСАД – ХОТИРЖАМЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

**Бандихон бу йил яна алоҳида туман мақомини олди. Дастлаб, 1992 йилда ташкил топган туман 2010 йилда Қизириқ туманига қўшиб юборилганди. Афсуски, ўтган даврда мазкур ҳудуд ижтимоий ривожланишдан анча ортда қолиб кетди.**



Президентимизнинг 2019 йил 17–18 октябрь кунлари вилоятга ташрифи чоғида Бандихон туманини қайта ташкил этиб, ҳудудни ривожлантириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилганди. Шунга мувофиқ, Олий Мажлис Сенатининг қарори қабул қилиниб, Бандихон тумани ташкил этилди. Мана, бир ойдирки, туманда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

– Бандихон Қизириқ, Шеробод, Бойсун, Қумқўрғон ва Жарқўрғон туманлари билан чегарадош, – дейди туман ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси бошлиғи, майор Илҳом Холиқов. – Туман таркибида 22 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Аҳолиси 76 минг нафарни ташкил қилади. 41 та мактаб, 7 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та шифохона, 13 та қишлоқ врачлик пункти, 504 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда.

Осойишталик посбонлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан ҳамкорликда юрт тинчлигини таъминлаш борасида кечани кеча, кундузни кундуз демасдан, фидойилик билан фаолият олиб бормоқда. Бунинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг ўтган вақтида тумандаги мавжуд маҳаллаларнинг 15 тасида жиноят содир этилмади. Секторлар кесимида айтадиган бўлсак, 3-секторда ҳам биронта жиноят қайд этилмади.

Шу даврда фуқаролар томонидан туман Ички ишлар бўлимига 176 та мурожаат келиб тушган бўлиб, ушбу мурожаатлар тергов, жиноят қидирув, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва бошқа соҳавий хизматлар ходимлари томонидан ўз вақтида ижобий ҳал этиб келинмоқда.

Ички ишлар бўлимида 11 нафар муқаддам судланган шахс профилактик ҳисобда туради. Улар билан профилактик суҳбатлар олиб бориш, турмуш тарзини ўрганиш ижобий натижа бераётир. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида ҳар бир маҳалла ҳудудида «Жамоатчилик назорати» масканлари фаолияти йўлга қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонунбузилишга йўқ қўяётган, хизмат интизомини бузаётган ходимлар белгиланган тартибда жазоланаётган бўлса, хизматда яхши натижаларга эришиб, ҳамкасбларига намуна бўлаётган ҳар бир ходим муносиб рағбатлантирилмоқда. Бу, шубҳасиз, хизмат фаолияти самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.



**Жуманазар АНОРОВ.**
*Сурхондарё вилояти.*

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

# ҚЎРИҚЛАШ СИГНАЛИЗАЦИЯСИ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Инсон азалдан ўзи ва мол-мулкининг хавфсизлиги тўғрисида қайғурган. Қадимги Миср фиръавнлари турли тузоқлар (тош палахсаларининг қулаши ёки тонналаб қум тўкилиши) ёрдамида ўз даҳмаларини ўғрилик ва талончиликдан ҳимоялашга уринган. Қадимги Юнонистонда олов ва металл кўзгулардан иборат сигнализация тизими мавжуд бўлган.



«Чақирилмаган меҳмонлар»нинг яқинлашганини аниқлашда ҳайвонлар ва қушлардан ҳам фойдаланилган. Ҳатто бир машҳур ривоятда ярим тунда ёв ҳужумидан огоҳлантириб, ғақиллашга тушган ғозларнинг Римни қутқариб қолгани ҳикоя қилинади.



Америкалик Альберт Август Поупни ҳақли равишда электр қўриқлаш сигнализациясининг «отаси» деб аташ мумкин. У аккумулятор, электромагнит ва қўнғироқ ҳисобига ишловчи ихтироси учун 1853 йилда патент олишга муваффақ бўлди. Ғояга кўра, дераза ва эшикларга уланган симлар ягона занжирни ташкил қилиб, улардан бирининг очилиши билан симлар туташиб, қўнғироқ жарангини таъминловчи электромагнитга ток узатиши керак эди. Бироқ бу ихтиро «қоғоз»да қолиб кетди, токи 1857 йилда Эдвин Холмс унинг патентини сотиб олиб, ўзининг Бостондаги фабрикасида ишлаб чиқаришни йўлга қўймагунча. Аввалига одамлар ушбу ҳимоя воситасига шубҳа билан қарашди ва бизнес учун унчалик даромад келтирмади. Бир неча йилдан сўнг Холмс ўз фаолиятини Нью-Йоркка кўчиришга қарор қилди. Ўша пайтларда бу ерда ўғрилик ва босқинчилик ҳолатлари жуда кўпайиб кетганди.

1866 йилга бориб у 1200 та хонадонга қўриқлаш сигнализациясини ўрнатишга улгурган ва тижорат корхоналари учун маркетинг кампаниясини ўтказишни бошлаганди. Бир неча йилдан сўнг Холмс биринчи қўриқлаш сигнализациялари тизимини ташкил этди. Бунда тизим узатган ташвиш сигнали телефон кабели орқали яқин атрофдаги полиция бўлимига келиб тушарди. Натижада XIX аср охирида барча ўта муҳим объектлар, хусусан, банк ва савдо дўконлари қўриқлаш сигнализацияси билан таъминланди.

Худди шу даврда фотоэлементнинг (ёруғликни электр энергиясига айлантирувчи асбоб) кашф қилиниши қўриқлаш тизимлари самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Шу тариқа, ёруғлик нури таъсирида сигнал узатувчи қўриқлаш мосламалари яратилди. Энди занжирни узиш учун унга тушаётган ёруғлик манбаини тўсиб қўйиш кифоя эди.

1953 йилда америкалик олим Самуэль Багно томонидан биринчи ультратовушли ҳаракат датчиги ихтиро қилинди. Вақт ўтиши билан микротўлқинли ва инфрақизил датчиклар яратилди.

Бугун ахборот технологиялари соҳасидаги ютуқлар натижасида қўриқлаш сигнализацияси янада самарали ва янги кўринишга эга бўлиб, бошқарувда енгиллашиб бормоқда. Бунда қўриқланаётган объект соҳиби уяли телефон ёрдамида сигнализация тизимини ёқиши ва ўчириши, ёруғликни бошқариши мумкин.



**Рус тилидан Гулчеҳра АЗИМОВА таржимаси.**

ЙЎЛ ҚОИДАНИ ЁҚТИРАДИ






# ПИЁДА ҲАМ МАСЪУЛ

**Хоразм вилоятида йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш, содир этилаётган қоидабузарликларга қарши курашиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш мақсадида халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларига 4 та фоторадар, 5 та «AutoCon-SC/M» русумли автоматлашган тарзда қоидабузарликларни аниқлайдиган фоторадар комплекси ўрнатилиб, ушбу инновацион технологиялардан самарали фойдаланилмоқда.

Яқинда ЙПХ инспекторлари маъмурий баённомаларни планшетлар орқали электрон тартибда расмийлаштириш тизимига ўтишди. Планшетлар орқали олинган фотосуратлар ва тузилган электрон баённомалар компьютерлаштирилган бошқарув тизимига юборилади ва у ерда таҳлил қилинади. Мутахассислар томонидан электрон баённома тўғри ва асосли тузилганлиги тасдиқлангач, бу ҳужжат ҳақиқий ҳисобланади. Жорий этилган ушбу инновацион янгилик ўз самарасини бераётир.

Автомобиль йўлларининг инфратузилмасини ривожлантириш, ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 485 та янги йўл белгиси ўрнатилди, 827 та йўл белгиси янгисига алмаштирилди, 220056 квадрат метрдан ортиқ йўлнинг қатнов қисми таъмирланди. Автомобиль йўллари, хиёбонлар, автошоҳбекатлар, бозорлар ва аҳоли кўп тўпланадиган жойларга ҳаракат хавфсизлигини тарғиб қилувчи катта ҳажмдаги 32 та панно, халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларининг машиналар юқори тезликда ҳаракатланадиган ҳудудларига 28 та фоторадар макети, 24 та патруль машина муляжи, 27 та маёқча ҳамда автомобиль йўлларининг қатнов қисми яқинида жойлашган мактаблар олдига 79 та ўқувчи пиёда макети ўрнатилди.

Пиёдаларнинг йўлларда хавфсиз ҳаракатланиши ва улар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида Урганч, Гурлан ва Ҳазорасп туманлари ҳудудидаги пиёдалар ўтиш жойларига тунги пайтда ёниб турувчи 300 та чироқ ўрнатилди. Ҳозирда ҳам бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Шу ўринда вилоят ҳудудида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларига тўхталсак. Жорий йилнинг 4 июль куни соат тахминан 20:30лар атрофида Шовот туманидаги Огаҳий маҳалласи ҳудудида И.К. ўзига тегишли бўлган «Спарк» русумли автомашинани бошқариб келаётиб, йўлни кесиб ўтаётган пиёда Р. М.ни уриб юборади. Натижада пиёда олган тан жароҳати туфайли туман тиббиёт бирлашмасининг жонлантириш бўлимида вафот этади.

Шу йилнинг 17 июнь куни эса соат 18:35ларда Урганч шаҳрининг Ғалаба кўчасида И.Е. «Ласетти» русумли автомашинада йўлнинг белгиланмаган жойидан кесиб ўтаётган 12 ёшли қизчани уриб юборади. Натижада жабрланувчи республика шошилинч тез-тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиалида ҳаётдан кўз юмади.

Ушбу фожиалар ҳайдовчилар ҳамда пиёдаларнинг белгиланган йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаганлиги оқибатида содир бўлган.

Ҳафтанинг белгиланган кунларида «Ҳаракат хавфсизлиги тарғиботи куни» ҳамда «Автомобилсиз кун» тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят ҳудудида 3649 маротаба профилактик учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, ЙҲХБ тарғибот гуруҳи томонидан тайёрланган «Огоҳлик – давр талаби», «Болаларимизни беэътибор қолдирмайлик!», «Спиртли ичимликнинг ҳар қандай миқдори ҳайдовчи ва ён атрофдагиларнинг ҳаётига хавф солади», «Унутма, бу қоида – барчага фойда», «Огоҳ ва ҳушёр бўлинг!», «Йўлнинг қатнов қисмида телефондан фойдаланма!», «Тўйларда гуруҳ бўлиб ҳаракатланишнинг оғир оқибатлари» мавзуларида тайёрланган 20 та ижтимоий ролик марказий ҳамда маҳаллий телеканаллар орқали 221 маротаба намойиш этилди.

Тарғибот тадбирларининг самарадорлигини ошириш мақсадида «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликда вилоят ҳудудидаги корхона ва ташкилотларда ҳамда маҳаллаларда карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Ушбу тадбирларда йўл-транспорт ҳодисалари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитлар атрофлича муҳокама қилинмоқда. Фуқароларнинг фикрлари, таклиф ва истаклари тингланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, йўлга чиққан ҳар бир ҳаракат иштирокчиси ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда белгиланган қоидаларга қатъий риоя этиб, ҳаракатланмоғи лозим. Шундагина йўлларимизда содир этилиши мумкин бўлган нохуш ҳолатларнинг олдини олган бўламиз.

**Худойберган ЖАББОРОВ, «Postda» мухбири. Саъдулла АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.**

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

## АГАР ҲАЙДОВЧИ ЧАЙҚАЛИБ ТУРСА...

Баъзан ЙПХ инспектори автоуловни тўхтатиб, ҳайдовчига «Сизнинг маст ҳолатда эканингизни аниқлаш учун текширув ўтказиш керак», деганида, ҳайдовчи ходим билан баҳслашиб кетади. Бундай тортишувларга ўрин қолдирмаслик учун ҳар икки томон ҳам шуни билиб қўйиши кераккi, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди ва Бош прокуратурасининг 2018 йил 20 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоголли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда эканлигини аниқлаш учун текширув ўтказишга қуйидагилар асос бўлади:

- **ҳайдовчининг оғиз бўшлиғидан алкоголь ҳиди келиши;**
- **ҳайдовчи бир ҳолатда тўғри тура олмаслиги (чайқалиб туриши);**
- **ҳайдовчи нутқининг бузилганлиги;**
- **ҳайдовчи қўл бармоқларининг қалтираши;**
- **ҳайдовчи юз териси рангининг сезиларли ўзгарганлиги.**




Тиббий текширувдан ўтказиш натижалари тўғрисидаги хулоса текширувдан ўтказилган шахсга уни олиб келган Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ДЙҲХХ) ходими олдида таништирилади. Мабодо текширилувчида хулосага нисбатан эътирозлар мавжуд бўлса, у бошқа тиббиёт муассасасида қайта тиббий текширувдан ўтказилишини талаб қилишга ҳақли. Фақат бунда қайта тиббий текширувдан ўтказиш мастлик аломатлари аниқланган ёки йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган вақтдан эътиборан икки соат ичида бошқа яқин масофада жойлашган тиббиёт муассасасида амалга оширилиши керак. Ушбу қайта текширувга текширилувчи ДЙҲХХ ходими билан биргаликда етказилади.

**«Huquqiy axborot» телеграм канали материаллари асосида тайёрланди.**

БУ – ҚИЗИҚ

## АВТОМОБИЛЬ РАҚАМИ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Аслида биз бугун автомобилларга тақиб юрадиган давлат рақам белгиси дастлаб отлар экипажида жорий этилганини биласизми? Биринчи автомобиль рақами эса 1899 йил Германиянинг Мюнхен шаҳрида пайдо бўлди. 1903 йил Лондонда автомобиль давлат рақами рўйхатдан ўтказилган. 1901 йил Нью-Йоркда яшовчи машинаси борлар учун рақам олиши ва уни тақиб юриш шарт қилиб қўйилди.

Германияда автомобилларга рақам тақиш урфга кира бошлаган кезларда айримлар ўзи ёқтирган ҳарф ва рақамлардан иборат белгиларни буюртма қила бошлади. Шундайлардан бири Берлин коммерсанти Рудольф Герцог эди. У рақам берувчи идорадан «IA 1» рақамини олишга муваффақ бўлди ва ўз машинасига тақди. Ундаги IA ҳарфлари турмуш ўртоғи исм-шарифининг бош ҳарфлари қисқартмаси, «1» сони эса унинг биринчи ва охиргиси эканлигига ишора эди.

Эътиборли жиҳати, автомобиль рақамлари пайдо бўлган даврда унинг тасдиқланган зарур ўлчамдаги стандарт шакли бўлмаган. Автоҳаваскор уни ўзи ясаши ёки устага буюртма қилдириб ясатиб, машинасига тақиб юриши мумкин бўлган.

Инқилобгача Россиянинг ҳар бир шаҳрида рақамлашнинг ўз тартиби бўлган. Рақам ҳар йили 15 мартда, техник кўрикдан ўтгандан кейин алмаштирилган. Рақам ёзилган белгилар ҳам ҳар хил рангда бўлган. Қизил, кўк, пушти ранг... Бу ранглар ҳайдовчиларнинг стажини билдирган ва улар гараж деворларига қоқиб қўйилган.

Стандарт автомобиль рақами собиқ иттифоқда илк бор 1931 йил жорий этилди. Юрий Гагарин эса машҳур парвозидан кейин «12-04 ЮАГ» давлат рақам белгиси билан бирга «Волга» автомобили билан тақдирланади. Бундаги рақамлар унинг парвоз вақтини, ҳарфлар эса унинг исм-шарифи бош ҳарфларини англатар эди.

Дастлаб АҚШда жорий этилган қиммат автомобиль рақамлари сотилиши бугун кўплаб давлатларда қонуний тусга кирган. Хоҳлаган киши пулини тўлаб, ўзи хоҳлаган рақамини сотиб олиши мумкин. Тарихда аукционда сотилган энг қиммат рақам 2008 йил Абу-Дабида қайд қилинган. Араб




*14 миллион долларлик рақам.*

амирлиги фуқароси 25 ёшли Саид ал Хури нақд 14 миллион АҚШ долларига шундай рақам соҳиби бўлган. У жуда қисқа эди: «1». Ажабланарлиси, бу рақамнинг бошланғич нархи бор-йўғи 27 минг АҚШ доллари қилиб белгиланганди.

Шундай қиммат рақамлар 2006 ва 2009 йилларда Буюк Британияда ҳам кузатилган. «M1» рақами 500 минг АҚШ долларига баҳоланган бўлса, «1D» рақами 513 минг АҚШ долларига сотилган.

**Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.**

НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ

# Героические поступки – это их обычная служба

**Преступность, наркобизнес, терроризм, экстремизм, коррупция – только часть проблем, с которыми ежедневно приходится сталкиваться сотрудникам органов внутренних дел. О человеке, облеченном властными полномочиями, мы составляем представление в первую очередь по его поступкам. Примеров героических поступков стражей порядка по всей стране тысячи – это их обычная служба.**

Бахтиёр Усманов – выпускник ТВВТУ МВД (ныне ВТИ Национальной гвардии) Республики Узбекистан. После окончания образовательного учреждения молодой офицер был направлен в Избасканский РОВД и назначен на должность инспектора отделения кадров.

Затем капитана Б. Усманова назначили заместителем начальника по воспитательной работе Пахтаабадского РОВД. В этой должности он проработал более четырех лет. В настоящее время майор Б. Усманов служит оперуполномоченным отдела уголовного розыска УКД ОВД по городу Андижану. На его счету немало раскрытых преступлений, связанных с незаконным оборотом наркотиков. Вот некоторые из них.

Оперативники отдела уголовного розыска получили информацию о том, что житель махалли Окравот города Андижана, 50-летний Камилжан К., занимается хранением и сбытом наркотиков. Проверить полученную информацию должна была оперативная группа, возглавляемая оперуполномоченным отдела уголовного розыска майором Б. Усмановым. В ходе досмотра помещений, расположенных на подворье Камилжана К., в укромных местах было обнаружено более 446 граммов готовой к употреблению марихуаны, а на приусадебном участке – 73 куста каннабиса.



В ходе мероприятий, проведенных в рамках широкомасштабной операции «Черный мак–2020», майор Б. Усманов задержал двух молодых людей, подозреваемых в сбыте наркотиков. Во время личного досмотра в присутствии понятых в карманах подозреваемых были обнаружены пластиковые пакетики с вязким веществом коричневого цвета и острым запахом. Экспертиза заключила, что это был гашиш общим весом 2,78 грамма.

В течение объявленного в Андижанской области карантина оперуполномоченный отдела уголовного розыска майор Б. Усманов вместе с территориальным инспектором махалли Саховат города Андижана постоянно совершает обход участка, проводит разъяснительные беседы с жителями. Так, были задержаны 78 граждан, находившихся в общественных местах без медицинских масок. Нарушители привлечены к административной ответственности.

11 апреля текущего года в областном детском многопрофильном медицинском центре был зафиксирован случай заболевания коронавирусом. Территорию больницы взяли на карантин. Б. Усманов вместе с другими сотрудниками бдительно нес охрану вверенного объекта, не допуская нарушений.

– Майор Усманов – один из лучших сотрудников, – делится мнением заместитель начальника по воспитательной работе УКД ОВД по городу Андижану майор Хурсанбек Нуъмонов. – Он наставник молодежи, за годы службы воспитавший ряд достойных учеников. Про таких говорят: «человек на своем месте». В быту скромен, служебные обязанности выполняет профессионально.

За достойный вклад в противодействие распространению коронавирусной инфекции, а также за отвагу и мужество, проявленные при выполнении возложенных задач, указом Президента Республики Узбекистан оперуполномоченный отдела уголовного розыска УКД ОВД по городу Андижану майор Бахтиёр Усманов награжден медалью «Содик хизматлари учун».

– Мне нравится моя служба, – говорит Б. Усманов. – Мы выполняем ответственные задачи по пресечению незаконного оборота наркотиков. А значит, ставим надежный заслон на пути тех, кто ради обогащения готов одурманивать нашу молодежь. Это работа для настоящих мужчин…

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент**
**«На посту».**
*Андижанская область.*

ЖИЗНЬ И СУДЬБА

# Истории людей, выживших в экстремальных условиях

**Сегодня ситуацию с пандемией коронавируса можно назвать экстремальной. Болезнь пытается поглотить нас, но мы не должны сдаваться. Мы должны бороться и знать, что обязательно победим. И в этом противостоянии нам помогают удивительные истории людей, которые вопреки всему смогли выжить и даже помочь другим, потому что не покорились обстоятельствам и были сильными духом.**

Джулиана Кёпке оказалась единственной выжившей из 92 пассажиров в авиакатастрофе рейса 508 авиакомпании LANSA. В самолет попала молния, в результате чего возник пожар. Воздушное судно упало прямо в Перуанские джунгли. После падения самолета Джулиана осталась пристегнутой в своем кресле. Она получила





перелом ключицы и многочисленные порезы. Через девять дней ее нашли местные лесорубы. По мотивам истории Джулианы Кёпке был снят фильм «Чудеса еще случаются».

* * *

На небольшой шлюпке Стивен Каллахэн отплыл из Эль-Йерра на Канарских островах по направлению к Карибскому бассейну. Его шлюпка





затонула прямо в центре Атлантического океана, и 76 дней он дрейфовал на надувном спасательном плоту. В конце концов, течение принесло плот к острову Мари-Галант, где его, исхудавшего и покрытого многочисленными язвами из-за морской воды, нашли рыбаки.

* * *

История Арона Ралстона широко освещалась всеми СМИ в 2003 году. Тогда американский альпинист во время прохождения через каньон Блю



Джон в национальном парке штата Юта был вынужден самостоятельно отрезать свою правую руку, чтобы освободиться из-под зажавшего ее валуна. Позже Арон написал об этом книгу, по которой был снят фильм «127 часов».

* * *

Восхождение, в котором принимал участие Бек Уизерс, стало самым трагическим в истории покорения Эвереста. Во время сильного шторма альпинист пролежал на морозе 18 часов не в силах подать никаких признаков жизни. Мужчину признали погибшим. Однако ему удалось встать и дойти до



лагеря. Его лицо было сильно изуродовано, в результате обморожения он потерял обе руки.

* * *

Американский воздухоплаватель Стив Фоссетт в одиночку совершал кругосветный перелет через Коралловое море на воздушном шаре, наполненным гелием. Внезапно началась буря. На высоте 9 тысяч метров мощный град начал дырявить шар, а пассажирская капсула стала падать прямо в океан. Удивительно, но он



выжил и был спасен через 10 часов после падения.

* * *

После того как в Андах произошло крушение самолета с командой регбистов на борту, выжившим пришлось бороться за существование в нечеловеческих условиях. Один из уцелевших, по имени Нандо Паррадо, вместе со своим другом совершил 65-километровый переход через Анды и привел на место происшествия спасателей. Тем самым Паррадо





помог уцелевшим в авиакатастрофе людям не сгинуть в горах.

**Подготовила Юлия КИМ.**

ФИДОЙИ ҲАМКАСБЛАР

# ХИЗМАТИ ЁШЛАРГА ИБРАТ

**Инсонга бир бора берилган умрни қандай яшаш ҳар кимнинг ўз қўлида. Кимдир ҳаёт ташвишларини матонат ила қарши олиб, мазмунли яшашга интилса, яна кимдир «Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан» қабилида иш тутади. Ва ўзи билиб-билмай нотўғри йўлга қадам қўяди.**

**Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ ППХ бригадаси 1-батальонининг 3-отряди сафдор ходим, катта сержант Анарбай Супибековнинг йигирма беш йиллик хизмат фаолияти бевосита иккинчи тоифадаги одамларнинг ҳаётга бўлган муносабатини ўзгартириш билан боғлиқ.**



– Хизматимиз кўпроқ одамлар орасида ўтади, кутилган-кутилмаган ҳолатларга дуч келамиз, – дейди қаҳрамонимиз. – Негаки, одамлар ҳар хил, шунга кўра, уларнинг ҳар бири ўзига хос табиатга, характерга эга. Жамоат жойида ножўя хатти-ҳаракати билан эътиборни тортган фуқароларни огоҳлантириш, жиноят аломатларини аниқлаш, кўрсатмалар асосида жиноятчиларни тутишда ҳар бир ишни мақсадли ташкил этишга ҳаракат қиламиз.

Катта сержант Анарбай Супибеков узоқ йиллик хизмати давомида кўплаб жиноятларнинг олдини олиш ва фош этилишида жонбозлик кўрсатган. Тезкор ва оқилона ҳаракатлари туфайли раҳбарият ва шахсий таркиб ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонган.

Мана, бир мисол. Яшнобод туманидаги «Янгиобод» бозори ҳудудида хизмат ўтаётган қаҳрамонимизнинг эътиборини газли сув харид қилаётган ўрта ёшли эркак кишининг хатти-ҳаракатлари тортди. Секин унинг ёнига яқинлашди. Шу пайт шубҳали шахс қўлидаги 5000 сўмлик купюрани сотувчининг олдига ташлади-ю, қочди. Аммо узоққа кета олмади: кўп ўтмай қўлга олинди.

Кейинчалик шубҳали шахс қалбаки пул ясаб, муомалага киритиш билан шуғуллангани аниқланди. Унинг ёнидан топилган сохта 5000 сўмлик купюралар ашёвий далил сифатида расмийлаштирилиб, жиноий иш қўзғатилди.

– Катта сержант Анарбай Супибеков зиммасидаги вазифага масъулият билан ёндашадиган ходимларимиздан биридир, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ ППХ бригадаси 1-батальони 3-отрядининг командири, майор Иззатилла Усмонов. – Жиноятларни очиш жараёнида жиноятчиларга кўп бор ёлғиз ўзи дуч келган, қидирувдаги шахсларни ушлашга муваффақ бўлган.

Юқорида қайд этганимиздек, Анарбай Супибеков узоқ йиллик иш тажрибасига эга бўлган, устоз мақомига эришган ходим. Шу боис ҳам у ёш ходимларга соҳанинг ўзига хос жиҳатларини эринмай ўргатади. Бугун унинг ўнлаб шогирдлари ички ишлар органлари тизимида хизмат олиб боряпти.

Катта сержант Анарбай Супибеков файзли бир оиланинг бошлиғи. Рафиқаси Лайло Супибекова мактабгача таълим муассасасида тарбиячи бўлиб ишлайди. Аҳил оилада Мадина, Жамила, Бекжонлар ўсиб улғаймоқда. Ҳали мактаб ўқувчиси бўлса-да, Бекжонда отасининг касбига нисбатан алоҳида қизиқиши бор. У келажакда отасидек ички ишлар органи ходими бўлишни ният қилган.

Ҳар бир топшириққа сидқидилдан ёндашиб, эл тинчлиги йўлида садоқат билан хизмат қилаётган катта сержант Анарбай Супибеков кўп бора раҳбариятнинг фахрий ёрлиқ, ташаккурномалари билан тақдирланган. Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ ППХ бригадаси командири, подполковник Д.Қўзиев томонидан берилган ташаккурнома шарафли касб фидойиси учун яна бир эътироф бўлди.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

ИНСОНПАРВАРЛИК

# «ОЗОДЛИК МЕНГА БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТДИР»

## дейди Озодбек Ахматуллаев

**Дунёда қадрли неъматлар бисёр. Ана шундай неъматлардан бири, ҳеч шубҳасиз, озодликдир. Айниқса, умрининг энг гуллаган даврини яшаётган навқирон ёшдаги инсон билиб-билмай жиноят содир қилса-ю, бу неъматдан бебаҳра қолса, жуда ачинарли ҳол. Мамлакатимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати эса, жиноят кўчасига кирганларга тузалиш йўлига ўтиши, хатосидан тўғри хулоса чиқариши ҳамда эл-юртга фойда келтиришига имконият беряпти.**

Фарғона вилоятида ҳам бу каби хайрли ишлар амалга ошириб келиняпти. Вилоят ИИБ 10-сонли тергов ҳибсхонаси ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Яқинда видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган очиқ суд мажлисида ҳам бу ҳамкорлик яна бир бор ўз исботини топди. Унда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 267-моддаси 2-қисми билан айбланиб, ҳибсхонада сақланаётган Озодбек Ахматуллаевни Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши ўз кафиллигига олди. Шунинг учун унга суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди. Шундан сўнг Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва Озодбек Ахматуллаевнинг оила аъзолари уни хурсандчилик билан кутиб олишди.

– Озод бўлганим мен учун бир имконият эканлигини, қолаверса, ўзимга билдирилган ишончни оқлашим зарурлигини доимо ҳис қилиб яшайман, – дейди О. Ахматуллаев. – Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши томонидан берилган кафиллик менга ишонч бағишлаш билан бирга, оилам бағрига қайтиб, эл-юртимга хизмат қилишимга имкон яратди. Энди қайта жиноят кўчасига кирмайман, касб-ҳунар ўрганиб, ҳалол меҳнат қиламан.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бу каби тадбирлар кўлами кенгайиб боряпти. Муҳими, ҳаёт сўқмоқларида қоқилган ёшлар ўзларига билдирилган ишончни оқлаб, жамиятда тез орада ўз ўринларини топишяпти, элимизга наф келтиришяпти. Зеро, ҳамкорликдаги тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу.

Аслида билиб-билмай жиноят содир этган ёшларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш барчамизнинг вазифамиздир. Шундай экан, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий билимларинини бойитиш, жамиятимизга фойдали инсон этиб тарбиялаш йўлида бирлашмоғимиз лозим. Шундагина мамлакатимиз келажагига ҳақиқий баркамол авлодлар эгалик қилади.





**ИИВ ЖИЭББ**
**Ахборот хизмати.**

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

# ШАРҚ ТАРИХИДАГИ ЭНГ МАФТУНКОР ШАХС

**Мамлакатимиз тарихида ўзининг илмий салоҳияти билан жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган алломаларимиз бисёр. Шулардан бири шижоатли давлат арбоби, довюрак саркарда, нозиктаъб шоир, тилшунос, адиб, адабиётшунос, санъатшунос ва этнограф Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир.**



Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг талотўпларга бой ҳаёт йўли, ижодий мероси ҳақида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Шу боис биз ўз мақоламизда унинг инсон сифатидаги олижаноб фазилатларининг баъзи томонларини ёритишни лозим кўрдик.

Шарқнинг буюк сиймоларидан бири бўлган Бобурнинг феъл-атвори, олижаноб фазилатлари, исми жисмига монандлиги замондошлари ва ҳозирги замон муаррихларининг асарларида алоҳида ҳурмат билан қайд этилган. Жумладан, унинг фазилатларини кузатган сарой тарихчиси Мирзо Ҳайдар «Тарихи Рашидий» номли асарида «...жуда кўп фазилатлар файзиёб этган бўлиб, у беҳисоб олижаноб хислатларга бурканган эдики, у зотнинг мардлиги ва саховатпешалиги ҳамма хислатлардан устун турар эди», деб таърифлайди. Инглиз тарихчиси Лейн Поул эса уни «Шарқ тарихидаги энг мафтункор шахс эди», деб баҳолаган.

«Бобурнома» нинг котиби Бобур ҳақида: «У қудратли подшоҳнинг яхшиликларини айтган билан ва ёзган билан тугатиш маҳолдир. Лекин қисқаси буки, саккиз асл сифат унинг зотига хос эди: бири буким – иқболи баланд эди; иккинчиси – ҳиммати юксак эди; учинчиси – вилоят олмоқ; тўртинчиси – вилоят сақламоқ; бешинчиси – маъмурлик; олтинчиси – Оллоҳ бандаларига фаровонлик нияти; еттинчиси – лашкар кўнглини қўлга олмоқ; саккизинчиси – адолат қилмоқ», деб қайд қилган эди.

**Инглиз тарихчиси Эдуард Холден Бобурни Юлий Цезарь билан қиёслаб: «Бобур феъл-атворига кўра Цезарга қараганда севишга арзигулликдир. Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган», деб ёзади. «Бобурнома»ни инглиз тилига таржима қилган Уильям Эрскин Бобурни саховатли, мард, истеъдодли, илм-фан, санъатга муҳаббати билан Осиё подшоҳлари орасида тенгсиз деб баҳолайди.**

Бобур меҳрибон ота, дўст, вафодор эр, ғамхўр қариндош, дилкаш ҳамроҳ, инсонга ҳурмати бисёр, кечиримли, саховатпеша, мард, инсонпарвар, айни вақтда, қаттиққўл, буюк ҳукмдорлик фазилатларини ўзида мужассам этган буюк шахс бўлган. У қариндошларининг иззатини жойига қўяр, оғир дамларида уларга мурувват кўрсатар, фарзандларининг тарбияси ва ўқишига, шахс сифатида шаклланишига алоҳида эътибор қаратар эди.

Бобур Мирзо ҳаётда фарзанд доғини жуда кўп кўрган. У ҳаёти давомида 9 ўғил, 9 қизнинг отаси бўлган. Ўн бир фарзанди ёшлигида нобуд бўлган кезларда айрилиқ ғамини ниҳоятда оғир ўтказган, ҳар бирига юракдан куйган. Кўз ўнгида вояга етган тўрт ўғли, уч қизини бир-биридан кам кўрмаган, уларни иноқликка, тотувликка даъват этган. Шу ўлим тўшагида ётганида Ҳумоюнга ҳукмдорлик тахтини раво кўрар экан: «Укаларинг жазога лойиқ иш қилсалар ҳам, уларга ёмонликни раво кўрмагин», деб насиҳат қилган.

Унинг фарзандларига бўлган меҳру муҳаббатини, зарур бўлса жонини ҳам нисор этишини Гулбаданбегим «Ҳумоюннома» асарида қуйидагича баён этади: Ҳумоюннинг аҳволи оғирлигини кўриб, Бобур подшоҳ дарҳол бир кишини топиб, Ҳазрат Муртазо Алининг мозорини зиёрат қилмоқ учун жўнатар экан, унга ўз номидан «Худоё, агар жон ўрнига жон бериш керак бўлса, менки Бобурмен, умри жонимни Ҳумоюнга бағишлайман», деб дуо қилишини сўрайди. Гулбаданбегимнинг ёзишича, шу куни Бобурнинг тоби қочиб, Ҳумоюн эса соғайиб, ўзини кўргани келган кишиларни қабул қила бошлайди.

Маълумки, буюк аждодларимиз ҳар бир ёзган асарини Оллоҳнинг номи билан қоғозга туширар экан, ҳар бир каломни муқаддас билиб, тўғрилиги ва ростлигига шубҳа қолдирмаган. Инчунун, Бобур ҳам ана шу муқаддас тамойилга содиқ қолган ҳолда оқ қоғозга ёлғон сўзларни битилишини макруҳ билиб, ҳозирги тил билан айтганда тарихни сохталаштириб ёзишни ўзига мутлақо эп кўрмаган.

**Шунинг учун ҳам муаллиф «Бобурнома»да: «Бўлган воқеаларни рост ёзганман. Чунки, бу асарда шу нарсани лозим топилганки, ҳар сўзнинг рости битилади ва ҳар иш қандай воқеъ бўлган бўлса шундай айтилади», деб алоҳида қайд этади. Шу маънода «Бобурнома» ни ўқир эканмиз, унда Бобур тарихий воқеалар, сиймолар, табиат ҳодисалари ҳақида нечоғлик аниқлик билан маълумот келтирса, ўз шахсияти: қувончу азоблари, ички изтироблари ҳақида ҳам рост маълумотларни баён этганлигини кўрамиз.**

Бобур характерида кечиримлилик фазилати устувор бўлган. Ҳатто укаларидан, амирларидан бевафоликлар, номардлик ва жабру жафолар кўрса-да, тавба қилиб, кечирим сўраганида кечирган, уларга нисбатан гина сақламаган. Чунончи, у Ҳусайн Бойқаро таъзиясига кетганида, поччаси Мирзахон Қобул салтанатини эгаллаб олади. Бобур қайтиб келгач, уни ҳайдаб юборади. Бир йилдан сўнг қайтиб келган Мирзахон Бобурдан кечирим сўрайди. Бобур эса унинг узрини қабул қилиб, ишончли кишиларидан бирига айлантирган.

Бобур буюк ҳукмдор бўлса-да, энг оғир дамларда лашкар билан бирга бўлишни ўзининг бурчи деб билган. Қийин вазиятларда уларни асраб-авайлаган. Буни биргина мисолда кўрамиз, «Бобурнома»да ёзилишича, Ҳиротдан Қобулга кетаётган тоғ йўлида отнинг қорнига етадиган қалин қорда ўзи олдинга ўтиб, қорни тепиб, шиббалаб навкарларига йўл очиб боради. Уларни ғорга киритиб совуқдан сақлайди ва ўзи эса жой етишмаганидан ғор оғзида қорни кавлаб пана жой қилиб тонг оттиради.



Ҳинд заминида йирик салтанатни барпо этган Бобурни ҳеч қачон Ватанга муҳаббати, юрт соғинчи тарк этмайди. Умрининг сўнгги дамигача Ватан соғинчи билан яшайди. Ўзининг аччиқ қисматига нолаю афғон қилганлигини қуйидаги рубоийсида кўрамиз:

*Толеъ йўқи жонимға*
*балолиғ бўлди.*
*Ҳар ишники айладим,*
*хатолиғ бўлди.*
*Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори*
*юзландим,*
*Ё раб, нетайин,*
*не юз қаролиғ бўлди.*

Бобур Ҳиндистонда ҳукмдорлик қилган даврида Темурий боболарига хос бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Ариқлар, каналлар қаздирди, муҳташам бинолар қурдирди, чиройли боғлар бунёд эттирди, адабиёт, илм-фан ривожига ҳомийлик қилди. Улуғ аждодимизнинг бу каби фазилатларини ҳинд халқининг буюк фарзанди Жавоҳарлаъл Неру «Жаҳон тарихига бир назар» асарида самимият ила улуғлаб: «Бобур – дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган», деб ёзган эди.

Фикримизни бобуршунос инглиз олимлари В. Ерскин ва Д. Жеон Лейденнинг қуйидаги фикрлари билан якунлаймиз: «Биз Осиёдаги ҳукмдорлар ичида Бобур сингари зукко ва талантли кишиларни камдан-кам учратамиз. Ақлининг актив фаолияти, хушчақчақлиги, вазминлиги, бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай, руҳининг тетиклиги, подшоҳлар орасида камдан-кам учрайдиган сахийлиги, мардлиги, талантлилиги, фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғуллана олиши жиҳатидан унга тенг келадиган биронта ҳам подшоҳни топа олмаймиз».

**Исматулло ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий техник институти профессори, фалсафа фанлари доктори.**

**P.S.** Газета саҳифаланаётган пайтда таҳририятга мақола муаллифи **Исматулло ХУДОЙБЕРДИЕВ**нинг вафот этганлиги ҳақида хабар келди. Марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# ЧУЛПАН – ПЕВЕЦ СВОБОДЫ

**В истории узбекской литературы XX века Чулпан занимает особое место.**

**Выбранный Абдулхамидом Сулейман угли Юнусовым литературный псевдоним Чулпан – «Утренняя звезда» – очень подходил ему. Являясь представителем первого поколения новой узбекской литературы, он внес большой вклад в развитие узбекской прозы, драматургии, критики.**



Незаурядные способности и явное литературное дарование выделяли его среди сверстников с самого детства.

Будущий поэт родился в городе Андижане. Отец старался дать сыну хорошее образование. Некоторое время Абдулхамид проучился в одной из местных школ, затем продолжил обучение в медресе Андижана, а позже – Ташкента. Будучи совсем юным, Абдулхамид Сулейман читал в подлиннике Фирдоуси, Саади, Хафиза, Омара Хайяма и многих других замечательных поэтов Востока. В школе, в которой он учился позднее, будущий поэт открыл для себя язык Пушкина и Достоевского, других русских писателей и поэтов.

Творческий путь поэта начался с 1913–1914 годов. Его первые произведения были напечатаны в местных газетах «Садойи Туркистон», «Садойи Фаргона», а также в журнале «Шуро». Уже к 1917 году Чулпан обретает известность как успешно начинающий литератор и просветитель.

В Ташкенте Чулпан познакомился с видным деятелем джадидского движения Мунавваркори. Беседы с ним сформировали в нем стойкого бойца за национальное возрождение. В своих первых произведениях – стихотворении «Туркестанским товарищам», статье «Что есть литература?», рассказах «Злая жертва», «Доктор Мухаммадяр» он отстаивал независимость узбекского народа.

В статье «Что такое литература?» автор писал: «Насколько нашему живому организму необходимы вода и воздух, настолько для нашего духа, омраченного всевозможной грязью быта, нужна литература. Если живет литература, значит, существует нация…».

Но для подъема национального самосознания, считал Чулпан, нужно поднимать образование народа: «Иначе мы погрязнем в лицемерии,.. праздном препровождении вместо обучения детей». Поэт написал «Праздник туркестанской свободы» – эти стихи стали первым гимном в истории узбекской государственности.



В советский период Чулпан продолжал писать стихи и статьи о свободе, мечтать о независимости Родины. Над ним и другими достойными сынами узбекской нации сгущались тучи. В 1927 году на 2-м съезде работников культуры его обвинили в шпионаже, отсталости и слепом подражании врагам, непонимании сущности революционных преобразований и других немыслимых делах. Он не только был отстранен от всех должностей и постов, перед ним ясно встал вопрос об опасности проживания в Ташкенте. В результате в 1937 году его арестовали и расстреляли. Так закончилась жизнь видного поэта и великого сына узбекской земли.




В своем творчестве Чулпан провозглашал просветительские и национальные идеи. Через весь путь мастера красной нитью проходят темы, освещающие проблемы времени, судьбы Родины, вопросы чести и достоинства человека, волю, стойкость, свободу, духовность нашего народа.

В 1920 году вышел один из первых сборников узбекской поэзии «Молодые узбекские поэты», в котором было опубликовано тринадцать стихотворений Чулпана. Затем были изданы его персональные сборники: «Пробуждение» (1922), «Родники» (1924), «Тайны рассвета» (1926). Все отмечали безусловную новизну поэзии Чулпана.

Вот что писал критик В. Махмуд о Чулпане в декабре 1923 года: «Чулпан является новым поэтом узбеков. Поэтому в его сборнике «Источники» кипят сегодняшний дух, состояние и сознание узбекского народа. Здесь в полный голос звучат узбекский язык, узбекская мелодия. Здесь взлетают в небеса волны национального духа».

В 20-е годы XX века не было ни одного поклонника поэзии, который бы не знал наизусть его стихи. Молодые поэты неоднократно обращались к его мотивам, инновациям, эпитетам и сравнениям. Своим творчеством он еще раз продемонстрировал, что возможности узбекской поэтической системы безграничны.

Произведения «Разрушенному краю», «Прекрасная Фергана», «Смерть Амаля», «Оковы» и другие пронизаны любовью к нации, родному краю. Вместе с тревогой за судьбу Родины, в стихотворениях выражено чувство гордости за страну, с ее богатой историей и великим прошлым, необыкновенной живописной природой.

Освещая тему природы, для более яркого выражения своих чувств и эмоций Чулпан широко и мастерски использовал различные изобразительные средства.

В одном из самых известных стихотворений «Гузал» («Прекрасная») ощущается вся пленительность его лирики, удивительная внутренняя музыка и притягательность.

Чулпан не только блестящий поэт, но и замечательный прозаик. Среди его прозаических произведений можно выделить рассказы «Қор қуйнида лола» («Тюльпаны в объятиях снегов»), «Клеопатра», «Ойдин кечаларда» («В лунные ночи»), «Нонушта» («Завтрак»), повесть «Ёв» («Враг»), роман «Кеча ва кундуз» («Ночь и день»).

Двухтомный исторический роман «Ночь и день» (1935) занимает достойное место в золотом фонде узбекской литературы. В романе отражена жизнь Туркестана в период первой мировой войны.

Талант Чулпана воплотился в полной мере и в жанре драматургии. Он стал автором «Чўрининг исёни» («Бунт слуги»), «Замона хотини» («Женщина времени»), «Ёркиной» и других пьес. По пьесе «Ёркиной» был поставлен спектакль, который в 20-е годы XX века завоевал большую популярность у зрителей. «Ёркиной» – социально-философская драма, в которой спор идет об общечеловеческих проблемах: любви, справедливости, мужестве, достоинстве, чести, свободе.

Заметное место в творчестве Чулпана занимала его переводческая деятельность.

Тема свободы была главной в творчестве Чулпана. Его с полным правом можно назвать певцом свободы. Имя поэта реабилитируют только в 1956 году.

В 90-е годы XX века начался новый период осмысления произведений Чулпана. Был издан целый ряд книг и статей, отличающихся глубокими и тонкими наблюдениями, раскрывающих достоинство, красоту и величие творческого наследия поэта, отличавшегося своей любовью к свободе и независимости родной страны.

Поэт оправдал избранный им псевдоним. Чулпан поистине стал утренней звездой современной узбекской поэзии.

**Наргиза МАДАМИНОВА,**
**преподаватель УзГУМЯ.**

СЛУЖБА ПАТРУЛЬНО-ПОСТОВАЯ

# ВАЖНО СОХРАНЯТЬ СПОКОЙСТВИЕ!

**Патрульно-постовая служба по праву считается самой близкой к народу, ведь 24 часа в сутки, в любую погоду, на светлых улицах и в темных переулках сотрудники ППС охраняют порядок и обеспечивают безопасность простых людей. Они борются с преступностью на передовой и обязаны быть первыми там, где необходима их помощь. От слаженности и четкости их действий зависит не только порядок в стране, но зачастую и жизнь и достоинство граждан.**



По сотрудникам ППС население судит о работе органов внутренних дел в целом, поэтому на них лежит особая ответственность. Они должны быть образцом для своих коллег, опорой населения.

В первую очередь, сотрудники патрульно-постовой службы должны соблюдать Устав, не превышать полномочий и строго следовать букве закона. Для успешного выполнения служебных задач они тесно работают с инспекторами дорожно-патрульной службы УБДД и подразделениями Национальной гвардии.

– С начала текущего года по горячим следам было раскрыто 65 различного вида преступлений, таких как незаконный оборот наркотиков и психотропных препаратов, кражи, разбойные нападения, – рассказывает заместитель командира батальона по воспитательной работе подполковник Абдухалил Юлдашев. – Установлены и задержаны восемь граждан, скрывающихся от следствия. Найден и доставлен к родным без вести пропавший мужчина.

Так, житель Андижанского района Шахбоз К. возле торгового центра «Узбегим», в старой части города оставил без присмотра автомобиль «Матиз», понадеявшись на сигнализацию. В автомашине остался сотовый телефон стоимостью 1 миллион 200 тысяч сумов. Пеший наряд батальона ППС в составе сотрудников 2-го отряда рядовых С. Соткинова и И. Омонова во время обхода вверенной территории заметил подозрительных молодых людей, которые с помощью подручных средств пытались вскрыть дверцу «Матиза». Когда им это удалось, стражи порядка задержали воров с поличным. 20-летние Мухаммад У. и Жавохир С. оказались жителями 3-го микрорайона города Андижана.



В отношении подозреваемых проводится доследственная проверка.

Каждые сутки на маршруты областного центра выходят 35 пеших нарядов, выезжают 38 автопатрулей и 4 конных наряда. Таким образом, покрывается вся территория города Андижана.

С началом карантина стражи порядка выявляют нарушителей установленных правил. Это не только граждане, находящиеся без масок в общественных местах, но и молодые люди, бесцельно гоняющие на велосипедах по тротуарам и транспортным развязкам.

С начала карантина было выявлено 2 417 граждан, нарушивших эпидемиологический режим. К ним применены административные меры наказания.

Во время патрулирования вверенной территории стражи порядка проводят беседы с владельцами магазинов и торговых точек, призывая их устанавливать камеры видеонаблюдения, быть бдительными.

Не каждый может стать сотрудником патрульно-постовой службы. К кандидатам на работу в ППС предъявляются повышенные требования. Это объясняется непростыми условиями работы, напряженным графиком и необходимостью в любой момент быть готовым рисковать собственным здоровьем и жизнью, потому что в работе стражей порядка случается всякое. Но во всех ситуациях важно сохранять спокойствие, иначе никак!

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**

***На снимках:*** *пеший наряд в составе сотрудника подразделения Национальной гвардии – младшего сержанта Б. Усвалиева и сотрудника 2-го отряда ППС рядового Ж. Шокирова патрулирует улицу Истиклол областного центра; пеший наряд батальона ППС УППСиООП УВД Андижанской области в составе рядовых – командира отделения 2-го отряда Ш. Сидикова и рядового сотрудника Р. Ахмадалиева проводят профилактическую беседу с молодым человеком, «забывшим» медицинскую маску дома.*

**Фото автора.**

*Андижанская область.*

БУДЬТЕ БДИТЕЛЬНЫ!

# ПРИКРЫВАЯСЬ МАСКОЙ ВЕЖЛИВОСТИ

**В соответствии с Уголовным кодексом Республики Узбекистан угон транспортного средства карается довольно серьезным наказанием. За совершение данного деяния, в зависимости от тяжести, злоумышленник может быть осужден на длительный срок лишения свободы. Однако некоторых и это не останавливает. Причем встречаются факты, которые иначе как «угонным абсурдом» не назовешь.**



По сообщению Информационной службы ГУВД города Ташкента, 9 июля, примерно в 18.40, неизвестный, находясь на стоянке, расположенной по улице Матбуотчилар в Мирабадском районе столицы, ловко прикрываясь маской вежливости, взял у 34-летнего уроженца Ташкентской области Рустама Р. ключи от принадлежащего ему автомобиля марки Cobalt якобы с целью помочь припарковать транспортное средство на автостоянке. Сев за руль, мужчина скрылся с места происшествия в неизвестном направлении.

В ходе оперативно-розыскных мероприятий угнанный автомобиль был обнаружен на стоянке в Яшнабадском районе. Задержан подозреваемый в угоне: уроженец Ташкентской области 30-летний Муроджон Р., ранее судимый по ст. 169 УК («Кража»).

По данному факту следственным отделом при УКД ОВД Мирабадского района возбуждено уголовное дело по ч. 1 ст. 267 УК («Угон транспортного средства»). Муроджону Р. предъявлено обвинение и избрана мера пресечения в виде заключения под стражу.

Уважаемые автовладельцы! Ваш любимый авто от угона спасут не только сигнализация, а также установленная в нем противоугонная система, но и проявление элементарной бдительности. Не доверяйте незнакомым лицам ключи от транспортного средства. Будьте начеку!

**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент «На посту».**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ



# ЧЎЛПОН – ҲУРЛИК КУЙЧИСИ



**Маъруфжон ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, филология фанлари доктори.**

**Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон – ўзбек адабиётининг ёркин сиймоларидан бири сифатида бадиий тил бобида ўзига хос мактаб яратган сўз санъаткоридир. Унинг бадиий тил маҳорати жуда кўп ёзувчилар учун ибрат мактаби бўлганлиги, бундан кейин ҳам бу мактабда бадиий сўз оламига қадам қўядиганларнинг неча-неча авлодлари самарали сабоқ олмоғи шубҳасиз.**

Чўлпон ўзининг баракали бадиий ижоди билан ўзбек адабий тилининг ривожи ва бойишига жиддий ҳисса қўшган хассос шоир ва беназир адибдир. Унинг шеърий, насрий, драматик, публицистик ва бошқа асарларида ўзбек тилининг гўзаллиги, бойлиги, туганмас ифода имконлари ўзини тўлиқ намоён этган. Бу асарларни ўқиганда, маҳоратли адибнинг ўзбек халқ тили хазинасини нечоғлик тугал эгаллаганлигига, бетакрор сўз ижодкори сифатида бу хазинадаги унсурларни ўз бадиий ниятига нечоғлик мувофиқ тарзда сайлай билганига, тилдаги лисоний воситаларга нақадар сайқалу жило бера олганига, бу бирликлардаги маъно инжаликларидан жуда катта усталик билан фойдалана олганига такрор ва такрор амин бўлмоқ ва ҳайратланмоқ мумкин.

Ҳуррият, истиқлол ва миллий мустақиллик ғояси Чўлпон ижодининг заминини ташкил этади. Бу эзгу ғоя шунчаки яланғоч жумлаларда эмас, балки бадиий сўз имконларидан, поэтик тилнинг таъсирчан воситаларидан моҳирона фойдаланган ҳолда ифодаланган. Шу боис унинг шеърияти XXI аср кишисининг ҳам эстетик талабларига, шеър завқига тўла жавоб берадиган юксак шеърият ҳисобланади.

Чўлпон шеъриятида ҳуррият ва инсон шаъни учун кураш руҳи яққол кўриниб туради. У шахс озод бўлиши учун, аввало, Ватан озод бўлиши кераклигини яхши англайди:

**Бўғиқ, қисиқ бу кўнгил
кучли ўт билан ёнадир
Ул ўт орасида юртнинг
хаёли жонланадир...**

Шоирнинг маҳдудликдан бўғилган, мутеликдан «қисилган» кўнгли аёвсиз оташда ёнаётганига қарамай, олов ичида жонланаётган «юрт хаёли» унга кўпроқ азоб бераётганини тилга олади. Яъни, она юрт қайғуси олдида ҳар қандай шахсий дард ва ташвишларнинг унутилишини таъкидламоқчи бўлади. Шоир ҳурриятнинг шунчаки берилмаслигини, унинг учун чинакам ватансеварлик билан, она юртга буюк садоқат ва фидойилик билан курашмоқ лозимлигини дилдан ҳис қилади ва шеърларида баралла куйлайди.

Чўлпон инсон том маънода ҳур бўла олиши учун эркисизлигининг сабабларини теран англамоғи лозимлигини, бундан-да аввал, ҳур эмаслигини тўла тушуниб етмоғи даркорлигини кўп таъкидлайди. Инсон ўз ҳолини тафаккур этмоғи учун уни қуршаб турган муҳитни тасаввур қила олмоғи, вазиятни тўғри баҳолай билмоғи керак. Шу маънода шоирнинг «Мен ва бошқалар» шеърини ижтимоий-сиёсий муҳит ва вазият таҳлили асосида чиқарган хулосаси, дейиш мумкин:

**Кулган бошқалардир,
йиғлаган менман,
Ўйнаган бошқалар,
инглаган менман.
Эрк эртакларини
эшитган бошқа,
Қуллик қўшиғини
тинглаган менман...**

**Бошқада қанот бор,
кўкка учадир,
Шохларга қўнадир,
боғда яйрайдир.
Сўзлари садафдек,
товуши найдек
Куйини ҳар ерда
элга сайрайдир.**

**Менда-да қанот бор,
лекин боғланган...
Боғ йўқдир, шох йўқдир,
қалин девор бор;
Сўзлари садафдек,
товуши найдек
Куйим бор... уни-да
деворлар тинглар...**

**Эркин бошқалардир,
қамалган менман,
Ҳайвон қаторида
саналган менман...**

Ушбу шеърни диққат билан ўқиганимизда, унинг маданият, тарих ва дин ҳақидаги фикрларини, ўтмиш ва келажак хусусидаги тушунчаларни пайқашимиз, Шарқ ва Ғарб маданияти дея аталмиш икки айри дунёнинг ўзаро мувофиқ келмайдиган шартлари остида яшаш туфайли туғилиши муқаррар муаммолар қаршисидаги Чўлпоннинг ечимларини илғашимиз мумкин. Янада тўғрироғи, бу шеър икки қутб орасида аросатда яшашга кўниккан, муте миллатнинг аянчли ҳаёти, қолоқлик, фожиали қисмати ҳақидадир. У фавқулодда бир ички мушоҳада билан миллатни сўроқлайди, нажотни дараклайди. Унинг тафтиш диапозонида бир иқлим, бир муҳит, бир оҳангни баҳам кўраётган миллатнинг бутун табақалари акс этади. Ҳеч ким сўроқдан қочиб қутулмайди. Шу тариқа, инқирознинг сабаблари, сабабчилари изланади. Хулосалар эса бадиий чизгиларда балоғат ва фасоҳат ила зуҳур топади.

Чўлпон ўз шеърларида ижтимоий қолоқлик, жаҳолат ва тарихий хатолардан қутулмай туриб, истиқлолга эришиб бўлмаслигини тўғри таъкидлайди. Ҳуррият ва миллий истиқлол йўлига ғов бўлган иллатлар «Бузулган ўлкага», «Виждон эрки», «Тўфон», «Ёнғин», «Халқ», «Ўтли сув», «Кел бери», «Кураш» каби кўплаб шеърларида тилга олинади.

Чўлпон чинакам истеъдод соҳиби ва ҳуррият куйчиси сифатида бадиий ижоднинг турфа жанрларида асарлар ёзди. Шунга қарамай, уларнинг барчасига ижодининг асосини ташкил қилувчи миллий озодлик мафкурасини катта маҳорат билан сингдирганлигини кузатишимиз мумкин. Хусусан, Чўлпон насрининг гултожи бўлган «Кеча ва кундуз» романида ҳам шахс ҳуррияти ва юрт озодлиги жанр имкониятларидан фойдаланган ҳолда, кенг ва теран ёритилади. Адиб мамлакатнинг ҳар томонлама инқирозига сабаб бўлган омилларни қидиради. Бу оғриқ бир қаҳрамон дилидан шу тарзда тилига кўчади: «Бизнинг бахтсизлигимиз – нодонлигимиздадир, холос. Миллат уйғонсин, кўзини очсин, ўқисин, билим олсин, маданий миллатлар қаторига кирсин, сўнгра у ҳам ўз давлати, ўз бахти, ўз саодатини қуради. Миллатни уйғотиш – уйғонганларнинг вазифаси!»

Миллатни юҳодек ютаётган илмсизлик эканини англаган ва азобланаётган адибнинг кўрли сўзлари яна жадид савдогарнинг тилидан зоҳир қилинади: **«Менинг ўғлим улоқчи от миниб пойгаларда юрмайди, мендан пул олиб қимор ўйнамайди, менинг топганимни бесоқолга, фоҳишага бермайди. Ўқийди, билим олади, одам бўлади, маданият касб этади»** дея ижтимоий ҳаётнинг носоғ нуқталарига эътиборни тортади. Жаҳолат ва сафоҳатга қарши жамиятни уйғонишга – интибоҳга чақиради. Чунки адиб «Туркистон халқини маърифатли қилмай туриб, истиқлолга эришиб бўлмаслигини» билади. Бунинг учун замонавий мактаблар очиш, болаларга таълим-тарбия бериш зарурияти ёнида марказлашган кутубхоналар ташкил қилиб, текинга ташиб кетилаётган миллий сарватимиз – қимматбаҳо асарлар, нодир қўлёзмаларни жамлаш ва асраш лозимлигини таъкидлайди.




Чўлпон ғоясиз, идроксиз яшаш ва умидсиз умр кечирмоқнинг абаслигини; баҳорнинг йўлида бир чечакнинг маҳкуми дарёнинг пешида бир қатранинг забуни бўлмоқ саодатини ичдан ҳис қилади. Жадид ҳамроҳининг Мирёқубга айтган гапларини эслаб кўринг-а: **«Миллатни билинг ва танинг, унга хизмат қилинг. Номингиз миллий тарих бетларига ёзилади».**

Чўлпон ижодини ўрганар эканмиз, Ватан озодлиги ва миллий мустақиллигимизнинг осон қўлга киритилмаганлигини теран англаймиз. Энг муҳими, шоир ижоди орқали Ватанни онадек ардоқлашни, мустақиллик туфайли эришган ютуқларимизнинг нечоғлик қадрли эканлигини чуқур англаб яшашни ўрганамиз.

---

БИР ҲОВУЧ ДУР

*Минг йилларким, булбул каломи
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.*

*Она тилим, сен борсан, шаксиз
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан...*

**Абдулла ОРИПОВ**



## МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**Мамлакатимизда коронавирус пандемияси кенг тарқалишининг олдини олиш бўйича кенг камровли ишлар қилинмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятида ҳам инфекцияга қарши курашишга қаратилган ишлар янада кучайтирилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда барча масъул вазирлик ва идоралар ҳамда йирик тиббиёт муассасалари ходимлари жалб қилинган ҳолда Нурафшон шаҳрида 24 соатлик режимда ишловчи тезкор штаб ташкил этилди. Шу билан бирга, туман ва шаҳарлардаги вазиятни мониторинг қилиш тизими ҳамда улар ўртасида маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилди.**

# ХАЛҚИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИ, СОҒЛИҒИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА






Бундан ташқари, ҳудудларда «Call center»лар фаолияти йўлга қўйилди. Уй шароитида даволанаётган беморларнинг саломатлиги ва даволаниш жараёни назоратга олиниб, уларга барча турдаги ёрдамларни кўрсатиш мақсадида 31 та мобиль гуруҳ тузилди. Вилоятнинг туман ва шаҳарларида 905 та қўшимча провизор шифо ўрни (касалликка чалинганликда гумон қилинаётганлар учун) ташкил этилди. Касалланганларни даволаш учун қўшимча 900 та шифо ўрни яратилиб, шундан 340 ўрин Янгийўл туманидаги юқумли касалликлар шифохонасида, 240 ўрин Зангиота туманидаги «Назарбек» санаториясида ва 320 ўрин Чирчиқ шаҳрида тайёрланди. Тез тиббий ёрдам ходимларига ҳам қулай иш шароитлари яратилди. Вилоятнинг шаҳар-туманларидаги 19 та тез тиббий ёрдам хизматига қўшимча 104 та маҳаллий телефон нуқтаси ҳамда 12 дона стационар телефон аппарати ўрнатилди. Шунингдек, яқин кунларда 130 та автомобиль ажратилади. Ҳозиргача эса 75 та «Дамас» вилоятнинг туман ва шаҳарларига етказиб берилди.

Касалланганлар билан мулоқотда бўлганларни жойлаштириш учун сиҳатгоҳлар, дам олиш масканлари, соғломлаштириш оромгоҳлари ва таълим муассасаларининг ётоқхоналарида қўшимча равишда яна 12 мингдан ортиқ захира ўринлари тайёрланмоқда. Шунингдек, 58 та қишлоқ врачлик пункти ҳамда 84 та оилавий поликлиникада ишлаётган шифокорлар ва уй шароитида даволанаётган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишга жалб этилган мобиль гуруҳлар маҳаллий ҳокимият томонидан 1 300 та телефон аппаратлари ва сим карталар билан таъминланди.

Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар, Мудофаа вазирликлари ва Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси вакилларидан ташкил топган 44 та гуруҳ 17 турдаги махсус техникалар ҳамда 482 нафар кўнгиллилар жалб қилинган ҳолда кунига ўртача 315 та объектда дезинфекция ишлари олиб борилмоқда. Карантин талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида жами 3310 нафар Миллий гвардия ва ички ишлар органлари ходимлари блок постлар, ЙПХ масканлари, карантин бинолари ҳамда бозор ва савдо мажмуаларида жамоат тартибини сақлаш, дезинфекция ва тарғибот ишларига жалб этилган.

Бундан кўзланган асосий мақсад эса ҳудуд аҳолисининг тинчлик-осойишталиги ва соғлиғини таъминлашдан иборатдир.

# БИРГАЛИКДА КУРАШАМИЗ



Миллий гвардия Самарқанд вилояти бўйича бошқармаси ҳарбий хизматчилари ва ходимлари томонидан айни кунларда аҳоли ўртасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширияпти. Карантинга олинган биноларни қўриқлаш ҳамда тунги вақтда жамоат тартибини сақлашда хизмат оралиқ масофани сақлаш, бир жойда тўпланмаслик ҳамда зарурат бўлмаганда кўчага чиқмаслик лозимлиги юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилаётир.

Шунингдек, аҳолининг яшаш шароитлари ўрганилиб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг карантин даврида моддий қўллаб-қувватланиши йўлга қўйилган. Яқинда, «Саховат



итларидан ҳам фойдаланилмоқда.

Шаҳарнинг марказий кўчалари, болалар ўйингоҳлари, савдо шохобчалари ва кўп қаватли турар жойларда кучайтирилган тартибда дезинфекция ишлари олиб борилмоқда. Фуқароларга карантин қоидаларига амал қилиш, ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида Самарқанд туманидаги «Бўзи» ва «Чоршанба» маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи бир гуруҳ эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиниб, кунлик эҳтиёжлари учун зарур бўлган турли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

**Миллий гвардия, Ички ишлар ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари ҳамкорлигида ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож, иш жойига эга бўлмаган, даромад манбаидан маҳрум бўлган оилаларнинг турмуш тарзи ўрганилиб, меҳнатга лаёқатли фуқаролар ишга жойлаштирилмоқда.**

# ФУҚАРОЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА



Масалан, Жиззах вилоятида 26 нафар хотин-қизлар «Сангзор-текстиль» тикув цехи ҳамда паррандачилик комплексига, Навоий вилоятида 8 нафар фуқаро туман Ободонлаштириш бўлимига, 4 нафар фуқаро туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига, яна 4 нафар фуқаро эса, «Кармана иймон транс – 2020» масъулияти чекланган жамиятига, 6 нафар фуқаро «Қиёт Кармана» фермер хўжалигига ва 8 нафар фуқаро «Бахт текстиль» масъулияти чекланган жамиятига, Наманган вилоятида 14 нафар фуқаро «Nilufar-teks group» масъулияти чекланган жамиятига ишга жойлашишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Бу каби хайрли ишлар республикамиз бўйлаб давом этмоқда.

# ЯРОҚСИЗ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТЎХТАТИБ ҚОЛИНДИ

Республикамиздаги йўл-патруль хизмати масканлари, блок-постлар ва тўсиқ постларда Миллий гвардия, ички ишлар органлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари томонидан кучайтирилган тартибда фаолият олиб борилиб, ҳайдовчиларнинг белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этиши назорат қилинмоқда.



Жорий йилнинг 22 июль куни тунги соат 21:30ларда Фарғона туманидаги тўсиқ постда хизмат олиб бораётган Миллий гвардия ва ички ишлар органлари ходимлари Фарғона шаҳри томон ҳаракатланаётган «Нексия» русумли автомобилни тўхтатишади.

Улар ҳайдовчининг шубҳали ҳаракатларини кўриб, автомашина юкхонасини кўздан кечиришганида, ҳеч қандай ҳужжатларсиз, яроқлилик муддати ўтиб кетган 69 турдаги дори воситаларини истеъмолга ўтказиш мақсадида олиб кетаётгани маълум бўлди. Шундан сўнг Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси вакиллари томонидан ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**Саҳифа материалларини лейтенант Нозима МАҲМУДОВА тайёрлади.**

МУЛОҲАЗА

# ОРЗУЛАРГА СОЯ СОЛГАН «АҚИДА»

**– Ойижон, эртага ҳужжатларимни топшириб келаман.**

**– Қизим, бир тўхтамга келдингми? Қаерга топширмоқчисан?**

**– Кинология хизматига-да…**

**Лола дилидагини охиригача тилига чиқара олмай, нафаси ичига тушиб кетди.**

**– Нима? Энди бир ками маҳалла-кўйдан қизи ит етаклаб юради, деган гап-сўз эшитишим қолувди. Ундан кўра, ўқимай қўяқол.**

**Гулнора опа чўрткесар аёл, бир сўз билан масалани ҳал қилди-қўйди.**

**Лоланинг танлаган касбига қизиқиши, у билан боғлиқ уй-хаёлларию улкан орзулари «Маҳалладагилар нима дейди?!» деган таъкиднинг соясида қолиб кетди. У бугун ҳамшира бўлиб ишлайди. Аммо ҳали ҳам тушларида итларни етаклаб юради. Баъзан чўчиб уйғониб, чуқур уйга толиб, кинолог бўлганида эл-юртга ҳозиргидан-да кўпроқ фойдаси тегишини ич-ичидан ҳис этади. Начора, бу соҳа онаси таъкидлаганидек, қиз болага у қадар тўғри келмаса керак, деб ўзига ўзи таскин беради.**

Ота-она учун фарзандининг қизиқишлари, истак ва хоҳишларини тўғри йўналтириш алоҳида аҳамият қаратиш лозим бўлган вазифалардан биридир. Аммо кўпинча ёшлар қизиққан, эътиборини тортган йўналиш катталар кўзлаган мезонларга тўғри келмаса, аксарият ҳолларда тўсиққа учрайди. Яъни, улар фарзандини ўзлари истаган касбга йўналтиради. Бу қанчалик тўғри? Қизиқмаган соҳада таълим олган ёшлардан эртага ўз касбининг фидойи мутахассиси етишиб чиқишига кафолат борми? Қолаверса, фарзандимизнинг ўқиб-ўрганиши учун маҳалла-кўйдагиларнинг майда-чуйда гапларини важ қилишимиз қанчалик асосли?

Психологларнинг фикрига кўра, ёш болада туғилган ҳар битта саволга эринмасдан жавоб бериш керак. Чунки инсоннинг ёшидан қатъи назар, унда онгли равишда уйғонган савол жавобсиз қолса, унинг ўрни мияда бир умрга очиқ қолиб кетар экан. Аммо айрим ота-оналарнинг фарзандини сергапликда кўп терғаши сабаб, битта саволни ҳам нигоҳларида хавотир билан, киприкларини пирпиратиб, ўйланиб, иккиланиб берадиган болажонлар ҳам бор. Савол бермаса, бермабди-да, ўзи болалардаги серсаволлик кўпчиликнинг ғашини келтиради, дейишингиз мумкин. Бироқ ғашимни келтирди, дейишдан аввал уларнинг дилидан тилига чиқмаган саволлар бир умр очиқ қолиб кетишини ўйланг. Шундан кейин ҳам уларнинг серсаволлигини бир чеккага суриб, яна ва яна танбеҳ берасизми? Катталарнинг фарзандлари қизиқишлари билан ҳисоблашмай, уларни ўз йўриғига етаклаши улардаги бирор касб-ҳунарга бўлган иштиёқни очиқ савол тарзида қолдиришга яқинроқдек туюлади.




Агар эътибор берсак, «Маҳалладагилар нима дейди?!» деган тўсиқ кўпинча қизларнинг қизиқишларига ғов бўлади. Уларнинг иштиёқларини сўндириб, орзуларига тушов солади. Бу қанчалик тўғри?

Мен ички ишлар органи ходими бўлган аёлни яқиндан танийман. Унинг бошида ҳам шу соҳани танлаганда қанча аччиқ-ширин гап-сўзлар айланган. Ота-онаси ҳам қаршилик қилган. Аммо у танлаган йўлидан, қизиқишларидан воз кечмаган, атрофида айланган узун-қисқа гапларга енгилмаган, таслим бўлмаган. Аксинча, бундай қаршиликлар уни руҳлантирган. У бугун ўз вазифасига содиқ, эгнидаги либоси билан фахрланиб, касбини қадрлайдиган ходим. Оилали, фарзандлари бор. У уй-рўзғор ишларини жой-жойига қўйиб, ҳар куни ўзгача завқ ва иштиёқ билан хизматига ошиқади. Бунинг сабаби унинг касбига бўлган меҳрдир. Бу меҳр болалигидан қалбига шунчалар чуқур ва мустаҳкам ўрнашганки, у ҳамма тўсиқларни шу меҳр тафтида енгиб ўтган, десак, асло муболаға эмас. Энг қизиғи, ҳозир бир пайтлар «форма кийиш қизларга унча тўғри келмайди-да», деган яқинларининг танбеҳлари фахрланишга айланган.

Хўш, айтинг-чи, нима учун фарзандимизнинг кўзларида чақнаб турган чўғдан, иштиёқдан айримларнинг миш-мишларини устун қўямиз? Бунда қандай мантиқ бор ўзи? Нега ёшларимизнинг ўй-фикрлари, орзу-ҳавасларини қандайдир «тўсиқ»ларга қурбон қилишимиз керак? Айниқса, ёш қизларнинг орзуларига бундай вазиятлар соя солиши ўйлантиради кишини. Бунинг сабаби орамизда «Маҳалладагилар нима дейди?!» деган ақидани ўзбекчиликнинг ёзилмаган қонун-қоидаларига сингитиб юборганларнинг борлигидир. Аслида, энг катта камчиликларимиздан бири ёзилмаган қонун-қоидалар билан ҳисоблашиб, кўп нарсани бой бериб қўйишимизда эмасми?

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

# НЕЪМАТЛАРНИ ҚАДРЛАЙЛИК

**Ҳаёт инсонни кўплаб эзгу амаллар ва хайрли ишларга ўргатади. Фақатгина ундан тўғри хулоса чиқариб, бошқаларга ҳам ўрнак бўлиш ўзимизга боғлиқ. Куни кеча эрталаб ишга келаётган пайтимда бу ҳақиқатга яна бир бор амин бўлдим…**

Мендан 15–20 метрлар олдинда ёши улуғ онахон кетаётган эди. У кўп қаватли уйлардан бирининг йўлаги томон бурилиб кетди. Кампирнинг бу ҳаракатини кўриб, беихтиёр, шу жойда турса керак, деб ўйладим. Зич қилиб экилган дов-дарахтлар орасидан йўлакнинг ички томони кўринмас эди. Аммо ушбу йўлакнинг қаршисига келганимда умуман бошқа манзарага кўзим тушди. Онахон йўлакнинг эшиги тепасидаги ҳалигача ёниб турган чироқни ўчириб, яна йўлида давом этди. Ваҳоланки, ушбу йўлакдан тонг ёришгандан бери неча киши ўтиб-қайтган бўлса-да, лекин уларнинг бирортаси ҳам чироқни ўчиришни ўзига эп кўрмаган.

Шундан сўнг дарҳол онахонга салом бериб, унга ташаккур билдирдим. Менинг бу воқеага гувоҳ бўлганимни сезган онахон чуқур нафас олди-да, баъзи бир одамларнинг давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятларга эътиборсизлигидан ранжиди. Бир пайтлар онасининг айтганларини ёдга олиб:

– Илгарилари мойчироқдан фойдаланишган экан. Уни ҳам туннинг маълум қисмида ёқиб, қолган пайтларда ўчириб қўйишган. Кези келганда ойнинг нурида кашта тўқиб, тикиш-бичиш қилишган. Шунинг учун ҳам ўша пайтдаги одамлар 90 ёшидаям ипни нинанинг тешигидан бир уринишда бехато ўтказишган. Ҳозирги ёшлар эса сал нарсага кўзим оғрияпти, хиралашяпти, дегани кишини таажжубга солади, – деди куюнчаклик билан. – Ахир, ҳеч ким уларни кечаю кундуз телефондан кўзингни узмасдан қараб ўтиргин деб, мажбурлаб қўйгани йўқ-ку, ундан кўра одамлар учун бирор-бир фойдали иш билан шуғуллансин. Атрофга эътиборли бўлиб, ҳаёт неъматларини авайлаб-асрасин. Шундагина ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам қадрига етади. Чунки «Инсон ниманики хор қилса, бир кун келиб унга зор бўлади» деган нақл бежиз айтилмаган.

Онахоннинг бу каби ҳаётий ҳикматларини эшитиб, раҳматли бувим билан бўлган бир воқеа кўз олдимда гавдаланди. Ўша пайтларда 5–6 ёшлардаги бола эдим. Нимадир юмуш билан кўчага чиққандик. Шу пайт 3–4 та болакай қўлидаги челакни сувга тўлдириш учун артезиан қудуқ олдида навбатда туришарди. Нарироқда чорва молларини ҳайдаб келаётган чамаси улардан 4–5 ёшлар каттароқ ўспирин уларга қараб: «Тезда ҳамманг челагингни олиб тур, биринчи менинг молларим сув ичсин, кейин сенлар оласан», деб бақирди. Шунда бувим секингина уни ёнига чақириб олди-да, хушмуомалалик билан: «Болам, бу қудуқни одамлар тоза сув ичсин деб қанча машаққатлар эвазига қазишган. Сен молларингни анави анҳорда суғориб келсанг, яхши иш бўларди», дея ётиғи билан тушунтирди. Шундан сўнг у молларини ҳайдаганча, анҳор томонга кетди. Уйига сув олиш учун келган бояги болакайлар эса бувимга раҳмат айтиб, челакларини сувга тўлдирганча хурсанд бўлиб кетишди.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятимиздаги барча инсонлар ҳаётимиздаги неъматларни қадрлашса, турмушимиз янада фаровон бўлади.

**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

Donolar bisotidan

**Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ.**

ЛИЧНОЕ МНЕНИЕ

# СПОСОБСТВОВАТЬ ЖЕЛАНИЮ ИЗУЧАТЬ ИНОСТРАННЫЕ ЯЗЫКИ




**Владение иностранными языками – один из важных факторов, определяющих конкурентоспособность выпускников вузов: углубление и оттачивание своих знаний, возможность выйти на мировой уровень для того, чтобы достойно представлять Родину за ее пределами.**

К примеру, на сегодняшний день самым распространенным в мире является английский язык. Более 400 миллионов человек считают его родным, для 300 миллионов – он остается вторым языком, еще 500 миллионов в той или иной мере владеют английским. 90 процентов интернет-ресурсов – англоязычные.



Русским языком владеют примерно 300 миллионов человек по всему миру. В Узбекистане его роль ощутима прежде всего в области образования, науке, а также как источника новостей. Русский изучают почти в 900 школах Узбекистана.

Если говорить об узбекской семье, то многие родители рассуждают так: родной язык дети выучат, так как на нем разговаривают с мамой, папой, родственниками, а если овладеют в школе русским, то это только пойдет им на пользу.

В 63 вузах республики русский язык является обязательным учебным предметом. Русскоязычные группы есть во всех крупных вузах Ташкента, Ташкентской, Самаркандской, Навоийской, Андижанской, Ферганской и других областей, а факультеты русской филологии – в гуманитарных университетах и институтах.

Узбекистан – страна с огромным туристическим потенциалом. В продвижении туристического бренда все средства хороши. Мощным и самым доступным является интернет. Youtube, к примеру, обгоняет сегодня по популярности традиционное телевидение. Любой желающий может создавать в нем контент, собирать своих подписчиков и выходить на многомиллионную аудиторию, фактически весь мир.

Достопримечательности нашей страны в основном рекламируются на английском языке. Почему бы не использовать также русский? Ведь это 300-миллионная аудитория! Русскоязычных туристов и обслуживать проще – большая часть населения страны говорит на одном с ними языке. Основными генераторами контента должны выступить не коммерческие организации, выполняющие работу за деньги, а обычные блогеры, узбекистанцы.

Немаловажную роль играет сотрудничество с российскими вузами и научными учреждениями. Тысячи юношей и девушек Узбекистана получают образование в филиалах российских вузов, открытых в нашей стране, а также в ведущих университетах РФ. Кроме того, ежегодно школьники принимают участие в международных предметных олимпиадах, проводимых в странах СНГ (рабочим языком которых является русский).

Владение иностранными языками способствует повышению конкурентоспособности кадров и страны в целом. Поэтому сейчас важно поддерживать и стимулировать желание молодежи изучать иностранные языки, в том числе и русский.

**Л. ТАНГРИЕВА.**
**Д. МУСУРМОНКУЛОВА.**
*Сурхандарьинская область.*

БЕЗОПАСНОСТЬ НА ДОРОГЕ

# Пешеходный переход – участок повышенного риска

**Что такое несчастный случай? Трагическое стечение обстоятельств, гримаса судьбы, или же в большей мере присутствует человеческий фактор? Как говорится, всего понемногу, и эти коллизии жизни, как правило, не поддаются никакому прогнозу или расчету.**



Но, рассуждая о происшествиях с трагическим исходом, случающихся с участниками дорожного движения – как с водителями, так и с пешеходами, мы в большинстве случаев отметим так называемый человеческий фактор. Именно потеря бдительности за рулем, беспечность, и в первую очередь грубое нарушение правил дорожного движения, являются первопричинами ДТП. Не секрет, что немалое количество дорожно-транспортных происшествий случаются на пешеходных переходах, обозначаемых «зеброй», дорожными знаками, регулируемых сигналами светофора. Незнание и несоблюдение элементарных правил проезда пешеходного перехода является потенциальной угрозой для пешехода, а на деле – наездом на него. Игнорировать этот факт смертельно опасно для человека, пересекающего пешеходный переход, и это известно всем участникам дорожного движения. Но, увы, многих из водителей, да и пешеходов, по большому счету, мало волнует этот животрепещущий аспект.

Буквально на днях мой сосед стал невольным свидетелем жуткого случая. Пешеходный переход на трассе проспекта Мустакиллик. В условиях карантина в дневные часы поток автомобилей существенно уменьшается, и, казалось бы, ситуация на дороге должна быть несколько спокойнее. Загорается зеленый сигнал светофора для пешеходов – можно идти. Но едва мужчина средних лет начал переходить «зебру», как на трассе появился тонированный черный «Малибу» и на огромной скорости пролетел через пешеходный переход, едва не сбив человека. Видеокамер на данном участке движения нет, иначе сей возмутительный факт, едва не повлекший за собой трагический инцидент, был бы зафиксирован. И, как ирония судьбы, ни мой сосед, ни пешеход, едва не ставший жертвой наглого и бессовестного водителя, не успели даже заметить номер автомобиля, пролетевшего по трассе на бешенной скорости. Отделавшись вовсе не легким испугом, пешеход продолжил свой путь, видимо, еще не осознавая, как близко находился от гибели...

Но не всем так везет. Как сообщалось на официальном сайте ГУВД г. Ташкента, 16 марта примерно в 22.30 часов на Малой кольцевой автомобильной дороге в Юнусабадском районе произошло ДТП со смертельным исходом.

36-летний водитель Lacetti совершил наезд на 59-летнего мужчину, переходившего дорогу по нерегулируемому пешеходному переходу. Пешеход получил тяжкие телесные повреждения и от полученных травм скончался в больнице. Причиной трагедии стала невнимательность водителя, но дело этого не меняет. Дорога не прощает ошибок, и это правило, как дважды два, нужно помнить каждому, кто садится за руль автомобиля.

В жизни многое можно изменить, исправить, но погибшего человека не вернешь. И перед тем, как выехать на трассу, нужно помнить об этом, особенно если подъезжаешь к опасной и подчас непредсказуемой «зебре».

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент**
**«На посту».**

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

# ОЙНИНГ ЎН БЕШИ ЁРУҒ...

**Ниҳоят кўпдан бери кутилган кун ҳам келди. Ёшлар иттифоқи томонидан Алижонга кредитга уч хонали уй ажратилди. Унинг оиласи билан янги уйга кўчиб ўтадиган куни онасининг Умра зиёратидан келадиган кунга тўғри келгани нур устига нур бўлди. Эртага кўч-кўронини ташиб бўлса, индинига онасини кутиб олиб, янги уйга олиб келади.**

**Алижон шу ўйлар билан токчадаги китобларни тахлаб боғлаётганда униққан бир сурат эътиборини тортди. Суратга саккизинчи синфда ўқиб юрганида ҳам болаликда бирга ўсган дўсти, ҳам қариндоши Ботир билан бирга тушганди. Алижон суратга тикилганча хаёлга чўмди. Ўтмиши кўз олдидан ўта бошлади.**



...Алижон отаси тўсатдан вафот этганида ҳали бир ёшга ҳам тўлмаганди. Онаси бошқа турмуш қилмади. Умрини шу ўғлига бахшида қилди. Алижоннинг отасига амакивачча бўлган Бакирнинг ўғли Ботир ҳам у билан тенгдош эди. Бирга ўсишди, бирга мактабга бориб, бир синфда ўқишди. Жуда иноқ икки дўстга кўпчилик ҳавас қиларди.

Йиллар ўтиб Ботирнинг отаси катта мансабларга кўтарила бошлади. Кунларнинг бирида ўғлига янги велосипед олиб берди. Шу куни маҳаллада Ботирга ҳавас қилмаган бола қолмади ҳисоб. У қизғанчиқ бўлса-да, Алижондан ҳеч нарсасини аямасди. Велосипедини фақат Алижонга берарди.

Мактаб йиллари поёнига етаётган пайтда икки ўсмирнинг йигитлик ҳислари уйғона бошлади. Алижон Маликага бефарқ эмасди. Ундан бошқаси кўзига кўринмасди. Қиз ҳам буни сезар, унинг сирли қарашларига, дилни ўртовчи мактубларига жавоблар қайтарарди. Ботир эса кундан-кунга ўзгариб борарди.

Икки дўст мактабни битиргач, пойтахтга йўл олди. Олий ўқув юртига кириш учун келган йигитлар Бакир аканинг эски танишининг уйидан қўним топди. Онасининг берган пулини аяб сарфлайдиган Алижон ва кўнгли нимани тусаса шуни қиладиган, ресторанларда овқатланадиган Ботирнинг юриш-туриши уй эгасини бефарқ қолдирмади. Ботирдан кўра Алижонга кўпроқ эътибор бериб, биринчи куниёқ унинг оиласи ҳақида сўраб-суриштирди.

– Ҳечқиси йўқ, ўғлим, ўқишга кириб, яхши мутахассис бўлиб уйга қайтганингда, ҳамма қийинчиликлар ортда қолади. Онанг роҳатингни кўрганида эса ундан бахтли одам бўлмайди, – деди у қийналиб катта бўлган Алижоннинг ўтмиши билан танишгандан сўнг.

Ботир ўша йили отасининг ёрдами билан молия йўналишидаги ўқишга кирди. Ички ишлар вазирлиги Академиясига ҳужжат топширган Алижонга эса бир балл етмай қолди. Лекин у кўнглини чўктирмади. Армияга кетди.

Кунлар кетидан кунлар ўта бошлади. Малика билан Алижоннинг севги тарихи мактубларга кўчди. Шундай кунларнинг бирида Малика севинчдан қушдай учиб уйга кирганида, онаси совчилар келганини айтди. У бир оғиз гапиролмай хонасига кириб кетди. Онасига бир гапни айтиш учун совчилар кетишини интизорлик билан кутди. Ва ниҳоят меҳмонлар кетди. Малика Алижондан келган хатни кўрсатиб, дилидагини айтди.

– Қизим, шуни нега эртароқ айтмадинг? Энди кеч. Ботирнинг онасига майли деб юбордим, – деди онаси.

Малика ноилож қолди. Алижон армиядалигида тўй бўлиб ўтди.

– Ботир мен Маликани яхши кўришимни биларди. Билиб туриб шу ишни қилгани менга жуда алам қиляпти, онажон.

Бу пайтда Ботир биринчи курсда ўқирди. У одатдагидек отасининг топганини аямай совуришни бошлади. Аввалига қиморбозларга қўшилди. Кейин ўқишни ҳам ташлаб, гиёҳвандлар қаторига кирди.

Алижон ҳарбий хизматда пайтидаёқ Малика билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолат юз берганини сезганди. Негаки, севги мактублари таққа тўхтаган, телефон қўнғироқларига жавоб бўлмасди. Хизматдан қайтиб онасидан барчасини эшитди.

– Ботир мен Маликани яхши кўришимни биларди. Билиб туриб шу ишни қилгани менга жуда алам қиляпти, онажон, – деди Алижон дилидагини чиқариб.

– Болам, бу тақдир, банданинг айтгани бўлавермайди, – деди она ўғлининг куйинаётганидан ўзи ҳам куйиниб.

Аста-секин Алижон ҳам бунга кўника бошлади. Шу йили яна ИИВ Академиясига ҳужжат топширди. Пухта тайёргарлик кўргани ҳамда армиядан имтиёзли тавсиянома олиб келгани учун бу гал имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди. Онанинг қувончи чексиз эди. Энди ўғли олий маълумот олиб, тайин ишга жойлашади. Энг муҳими, у ҳам отаси каби давлат идорасининг ходими бўлади.

Бу орада онаси Алижонни уйлантириш тараддудига тушиб қолди. У айтган қиз Алижонга ҳам ёқди. Тўй бўлди. Орадан йиллар ўтиб, уч нафар фарзанд кўрди. Турмуш ўртоғи Нигорахон Алижоннинг кўнглини олиш учун жонини ҳам беришга тайёр. Айниқса, унинг онасига бўлган муносабатига ҳамманинг ҳаваси келади. Онаси ҳам доим уни дуо қилгани қилган.

Алижон ички ишлар органида хизматни жиноят қидирув бўлими тезкор вакили сифатида бошлаганди. Аста-секин мансаб пиллапояларидан юқорилай бошлади. Ўтган ойда уни бўлим бошлиғи этиб тайинлашди, унвони ҳам ошди. Раҳбарлар унинг хизматидан мамнун. Жамоада ҳурмат-эътиборга лойиқ. Онаси ўғлининг эришаётган ютуқларини эшитиб:

– Отанг раҳматли сенинг шу даражага эришаётганингни кўрганида эди, – дея кўзига ёш олди ва дуо қилди.

Кунлардан бир куни турмуш ўртоғи Нигорахон бир дугонасининг онаси Умра зиёратига кетаётганини айтиб қолди:

– Ойижонимни ҳам юборсак яхши бўларди-да.

Алижонга бу таклиф жуда ёқди, ана шундай ақлли умр йўлдоши борлигидан қувонди...

– Дада, қўғирчоғимни ҳам олиб кетаман-а, – ўтмишни хотирлаб хаёл олиб қочган Алижонни қизалоғининг қўнғироқдек овози ўзига келтирди.

– Ҳа, олиб кетамиз, бешигини ҳам оламиз, – деди қизчасининг бошини силаб.

Бу орада юк машинаси келиб қолди. Ҳайдовчи машинадан тушиб, Алижон билан қучоқлашиб кўришди. Бу Маликанинг акаси эди. У Алижон билан синглисининг муҳаббатидан хабардор эди. Бошида онаси билан аммасига қарши бориб кўрди, лекин улар бир бўлиб олгандан кейин индамаганди.

– Мараз Ботир синглимни бахтсиз қилди, – деди куйиниб. – Отасининг бойлигини совуриб бўлди. Бечора Бакир ака билан хотини инфаркт бўлиб ўлиб кетди. Ўзи ҳам итдек хор бўлди.

Алижон ҳаммасидан хабардор эди. Ботир гиёҳвандлик касалига мубтало бўлиб, аввал машинасини, кейин уйини сотди. Охири хотинининг бисотини пуллади. Отаси билан онаси бу кўргуликни кўтара олмади. Ботир охир-оқибат ўғриликка қўл урди.

Навбатчилик қисмига келган хабар бўйича воқеа жойига етиб борган тергов-тезкор гуруҳи таркибида Алижон ҳам бор эди. У бу хонадонни яхши биладИ. Бу Маликанинг ота-онасининг уйи эди. Маликанинг отаси Алижонни кўриб, бир нима демоқчи бўлди-ю, тили айланмай қўли билан хонани кўрсатди. Хонага кириб не кўз билан кўрсинки, оёқ-қўли боғланган Ботир ётарди. Хонага Маликанинг онаси ҳам кириб келди. У ҳам Алижонни кўрди-ю, дами ичига тушиб, индамай чиқиб кетди.

– Бу баччағар ўтган ҳафта ялиниб келганди, – деди унинг ортидан кириб келган хонадон соҳиби. – Отаси раҳматлининг ҳурматини қилиб, невараларимнинг отаси-ку деб, болаларини кўрсатдим, пул бериб юбордим. Бугун уйимга ўғриликка тушибди. Ухлаб ётгандим, хонада биров юргандек бўлди. Турай десам, қўлида пичоқ, бўйнимга тираб, бор пулингни чиқар, дейди. Хўп, деб қўлидан чиқдим-да, яхшилаб бир тепгандим, оёғим тагига йиқилди. Қандоқ савлатли, бақувват йигит эди, дами чиққан пуфакдай бўлиб қолибди.

Алижон Ботирнинг қўлига кишан солиб, ички ишлар бўлимига олиб борар экан, унга разм солди. У билган Ботирдан асар ҳам қолмаганди. Олдида мунғайиб, уч-тўрт йил бемор ётган кишидай қадди эгилиб, юзлари сўлғин, кийимлари ҳам шалвираб, худди полизга қўйилган қўриқчидай бир гиёҳванд ўтирарди. Терговда унинг бошқа кирдикорлари ҳам очилиб, иш судга оширилди. Алижон дўстига ёрдам бериш учун у ўғирлаган нарсаларни эгасига қайтаришда моддий ёрдам берди. Ботир ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинди.

Ботир ҳар гал Алижонни кўрганида, тезда кўзини олиб қочишга уринарди. Малика онасиникига кетиб қолган, чунки яшашга уй қолмаганди. Ботир эса қайсидир қариндошининг бир ҳужрасида яшай бошлади. Алижон унга иш топиб берди. Болаликдан оғир иш қилиб ўрганмаган Ботир амаллаб ишлаб юрди, лекин ичкиликдан қайтмади. Бир куни ичиб келиб ўрнида сигарета чекиб ухлаб қолди. Сигарета чўғи ўринга тушиб, хонада ёнғин келиб чиққан. Ёнғин ўчирувчилар келиб офатни бартараф этганларида хонадан Ботирнинг куйган жасади топилди.

...Юкларни тушириб бўлишгач, Алижон бозорга йўл олди, онасининг келишига ва янги уй олганига атаб бир қўй сўйди. Маҳалладан оқсоқолларни, қариндош-уруғ, таниш-билишларни айтди. Масжиддан имом-хатиб, ишхонадан ҳамкасбларини ҳам таклиф этди. Янги уйда яшашни яхши умидлар билан бошлашди.

**Фурқат ҒАЙБУЛЛАЕВ,**
**катта лейтенант.**



СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ

# САҲНА – ҲАЁТНИНГ БИР КЎРИНИШИ

**Кино ва саҳна асарлари инсон ҳаётининг бир кўриниши. Унда ўзимизнинг яхши ёки ёмон сифатларимиз бор бўй-басти билан намоён бўлади. Табиатимиздан келиб чиқиб, гоҳида буни тан олмасак-да, ўзимиз ёки атрофимиздаги инсонларнинг қайсидир жиҳатлари саҳнага кўчганини қойил қолиб олқишламай иложимиз йўқ.**

**Ўзбек миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳриддин Раҳматов билан айнан шу мавзуда, шунингдек, ўзбек киноси, актёрнинг ижоди ва келгуси режалари хусусида суҳбатлашдик.**

**– Сиз турли касб ва характер эгалари тимсолини экранда моҳирлик билан гавдалантиргансиз. Актёр учун қаҳрамоннинг ўз характерига мос тушиши қай даражада муҳим? Табиатингизга ёт характердаги образлар устида ишлаш қийинчилик туғдирмайдими?**

– Аввало, актёр сўзининг маъноси «эгилувчан» деган маънони билдиришига эътибор қаратишни истардим. Шу маънода айтиш мумкинки, қандай образ бўлишидан қатъи назар, уни юзага чиқариб беришга ҳаракат қилиш вазифамиздир. Аммо олди-қочди, кераксиз, ўзининг ҳам, томошабиннинг ҳам вақтини ўғирлайдиган бачкана образлар керак эмас, деб ўйлайман. Ижро этган образининг таъсир кучи бўлиши керак. Томошабин кетказган вақтига афсусланмаслиги, маънавий озиқа олиши керак.

Алоҳида таъкидлаш керакки, актёрлик машҳурлик дегани эмас. Унинг вазифаси ижро этган роллари орқали халққа ёрдам беришдир. Актёр ҳаттоки салбий қаҳрамон тимсолини яратаркан, одамлар кўзгуда ўзини кўргандек ҳис қилишини хоҳлайди. Кино ёки спектаклда ижро этган образларингиз орқали шундай одамни кўрсатиб берсангиз, яъни кўзгу тутсангиз, бу бошқача самара беради.

**– Роль ижро этишда ташқи кўриниш кўпроқ муҳимми ёки характер?**

– Ташқи кўриниш, албатта, кинода муҳим. Лекин театрда характернинг аҳамияти беқиёс. Шахсий мулоҳазаларимга таяниб айтадиган бўлсам, театрда ҳам, кинода ҳам актёрнинг қалби, ички олами ҳал қилувчи ўрин тутади. Гўзаллик одамнинг ичида, ташқи кўриниш эса кўпинча алдамчи бўлади. Актёрлик маҳорати барибир биринчи ўринда туради. Халқимизнинг севимли санъаткорлари – Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов, Эркин Комилов, Теша Мўминов, Тўти Юсупова, Ёқуб Аҳмедов, Жамшид Зокиров ва бошқа улуғ актёрлар ўзининг ички гўзаллиги, руҳий олами, маънавий дунёси билан томошабин қалбини забт этган. Улар нафақат маҳоратли, балки ўзига хос характер эгаларидир. Ҳатто ижро этаётган ролларига томошабин маҳлиё бўлиб қолганини сезмаган ҳам.

**– Ижро этган ролларингиздан қониқмаган пайтларингиз ҳам бўлганми?**

– Кинода ҳар хил ҳолатлар бўлади. Қайсидир жойини тезроқ олишга тўғри келади, қайсидир актёр кеч келади, ҳатто об-ҳавонинг ўзгариши ҳам кайфиятингизга таъсир қилиши мумкин. Аслида, булар актёр учун баҳона бўлмаслиги керак. Кинони кўрганимдан кейин шу жойида бошқача ўйнасам бўларкан, деган пайтларим кўп бўлган. Театрда эса маҳоратингизни спектаклдан спектаклга сайқаллаштириб бораверасиз. Премьерада яхши чиқмади, деб ўйлаган образингизни кейинги сафар бошқача, мукаммалроқ тарзда ўйнаш имконияти мавжуд.

**– Ўзбек киносининг эртанги куни ҳақида нималар дея оласиз?**

– Шахсий фикрим, дунёқарашимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, «ўзбек киноси», деганда, аввало, қайси киноларни назарда тутишни англаб олишимиз керак. Бугун ҳаваскор актёрлар ўйнаётган сериаллар, ўзи кино олиб, ўзи роль ижро этаётган соҳага бегона юртдошларимизнинг олган фильмларини ҳам ўзбек киноси демоқдамиз. Ўзбек киноси ҳақида халқ орасида турли фикр ва тасаввурларнинг пайдо бўлиши ҳам мана шу жиҳатлар билан боғлиқ.

Юртбошимиз раҳнамолигида ўзбек киносида олға силжишлар кўзга ташланмоқда. Масалан, «Илҳақ» фильмини олайлик. Режиссёр, оператор, продюссер ҳамда актёрлар жамоасининг маҳорати, ўз ишининг устаси эканлиги фильм муваффақиятини таъминлади, дейиш мумкин. Ўзим ҳам унда роль ижро этдим. Пандемия сабабли охирида бир жойи – урушдан қайтадиган саҳнам бор эди, якунига етмади... «Илҳақ» фильмининг суратга олиш жараёнларида ҳам ички бир сезгимиз билан профессионал даражадаги кино эканлигини ҳис қилиб турдик.

Бундан ташқари, томошабинларга манзур бўлган «Элпарвар» ва Сариосиё воқеаларига бағишланган «Ҳаёт» фильми ҳақида ҳам шундай фикрларни айтишим мумкин. Шу соҳа вакили сифатида ўзбек киносининг равнақига озгина фойдамиз тегса, хурсанд бўламиз, албатта.

Хусусий телеканаллар буюртмасига кўра, мазмунан саёз сценарийлар асосида ишланаётган сериалларни кўриб ўзбек киносига баҳо бериш нотўғри...

**– Ҳаётингиз ва фаолиятингизда китобнинг ўрни қандай? Қайси мавзулардаги асарлар сизга кўпроқ ёқади?**

– Актёр бўлишимга Аллоҳ китобни сабабчи қилган, деб ўйлайман. Чунки кўп китоб ўқиганим учун ҳам актёрлик касбига қизиққанман. Ўзбек адабиётидан Ўткир Ҳошимов, Саид Аҳмад, жаҳон адабиётидан Достоевский, Толстой, Азиз Несин, Теодор Драйзер, Стендаль асарлари таъсирида улғайганман. Менимча, роман ўқиган киши ўзини бош қаҳрамон, деб билади. Стендалнинг «Қизил ва қора» романи бош қаҳрамони Жулиен Сорельни кўз олдингизга келтиринг... Яқинда иккинчи марта ўқиб чиқдим. Севимли роман ҳам кинодай гап. Қайта-қайта ўқиш мумкин. Асарда бош қаҳрамон ҳаёти билан яшайсиз, у айтган гапларни гапирасиз, ўй-хаёлларингиз ҳам ҳамоҳанг бўлади. Асар ўзига оҳанрабодай торта бошладими, ўзингизни бош қаҳрамон ўрнида ҳис қилмасликнинг иложи йўқ. Масалан, «Ўтган кунлар»да Отабекни ўзимдан қидириб, «Меҳробдан чаён»да Анвар бўлиб... уларнинг ички кечинмаларини ҳис қилиб, актёр бўлсам, шу ролни ижро этаман, деган ҳавас бўлган.

Таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев кунига 100 варақ китоб ўқимаган актёр актёр эмас, дерди. Дарҳақиқат, мутолаа фикрингизни чархлайди, сўз бойлигингизни оширади. Бу бизнинг соҳада жуда муҳим.

**– Орзуингиздаги ролни ижро этдингизми?**

– Тарихий фильмларни яхши кўраман. Жалолиддин Мангуберди ролини ижро этишни хоҳлардим. Яна бир ниятим: комил инсон ҳақидаги фильмда одамларга фойдаси тегадиган қаҳрамон образини экранда гавдалантириш. Касбимиз орқали одамларни эзгулик ва яхшиликка ундасам, дейман. Масалан, бировнинг ҳаққини емаслик, етимнинг бошини силаш, бундан ташқари, бугунги кунда жамиятдаги энг катта иллатлардан бири бўлган коррупциянинг аянчли оқибатларини томошабинларга таъсирли тарзда кўрсатиш ниятим бор.

**– Айни пайтда қандай лойиҳалар устида ишлаяпсиз?**

– Яқинда ичкиликнинг қандай ёмон оқибатларга олиб келиши тўғрисидаги чиқишларимизни халқимиз илиқ кутиб олди. Фарзандларимизнинг келажагига бу каби зарарли иллатларнинг таъсири ҳақида гоҳида жиддий ўйлаб кўрмаймиз. Ичкилик ёки гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш оқибатида фарзандларнинг ногирон ёки қандайдир нуқсон билан туғилишини ўйлашнинг ўзиёқ кишини даҳшатга солади...

Бухорий, Беруний, Термизий, Навоий, Хоразмийлар туғилган бу юртда, деб гапиришни яхши кўрамиз. Лекин, билишимиз керакки, улар ҳали туғилмасдан, яъни она қорнида пайтидаёқ келажакда қандай инсон бўлиши ҳақида ота-оналари ўйлашган. Шарқда бола туғилмасидан унинг тарбиясига эътибор қаратиш билан боғлиқ кўплаб ибратли ҳикоятлар бор. Булар шунчаки ривоят эмас. Бунинг учун ота-оналар билимли, ақлли, турли зарарли иллатлардан холи бўлиши керак.

Давлатимиз томонидан коррупцияга қарши кураш авж оляпти. Буни қўллаб-қувватлаш керак. Шу мақсадда кичкина болаларнинг коррупцияга муносабатини акс эттирувчи мультфильм ва бошқа қизиқарли лойиҳалар қилиш режаларим бор.



**– «Ҳақиқий эркаклар ови» бадиий фильми ҳамда «Чегарадаги қишлоқ» миллий сериалида ички ишлар органлари ходимлари ролини маҳорат билан ижро этгансиз. Шу жараёнлар ҳақида ҳам тўхталсангиз, умуман, ички ишлар органлари ходимлари сизнинг тасаввурингизда?**

– Осойишталик посбонлари образини экранда гавдалантириш актёрдан алоҳида маҳорат ва тажриба талаб қилади. Бу жараёнда уларнинг хизмати нақадар шарафли ва масъулиятли эканини ҳис қилишдан ташқари, жуда машаққатли эканини ҳам англаш мумкин. Халқ тинчлиги ва фаровонлиги учун ўз оромидан, ҳаловатидан воз кечиш учун киши қанчалар фидойи бўлиши керак? Ватан учун хавф-хатарга рўбарў бўлиш, керак бўлса, ширин жонини ҳам аямаслик ҳақиқий ички ишлар органлари ходимларига хос мардлик ва жасорат намунаси эмасми? Мен ижро этган образлар орқали томошабин шу ва шу каби кўплаб бошқа саволларига жавоб топиши мумкин.

Яна бир асосий нарсани таъкидлаб ўтмасак бўлмас. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ёт ғоялар таъсиридан асраш энг муҳим вазифалардан саналади. Бу борада уни қилма, буни қилма, деган насиҳатнамо, қуруқ гапларнинг таъсири деярли йўқ. Уларга салбий иллатлар ва уларнинг оқибатларини шундай кўрсатиш керакки, бу йўлга асло қадам босмасин. Кино ва сериалларнинг бу борада ўрни жуда катта. Шу маънода 30 қисмдан иборат «Чегарадаги қишлоқ» миллий сериали тарбиявий аҳамиятга эга. Ундаги гиёҳвандлик моддаларига қарши кураш акс этган лавҳаларни кўрган ёшларнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари бойийди. Жиноятчилик ва бошқа салбий иллатлар кишини доимо тубанликка етаклашини англайди.

Актёр қайси образни экранда гавдалантириши лозим бўлса, ўша соҳа бўйича билими, тасаввурини кенгайтириши керак. Танишларим орасида ҳам ички ишлар органи ходимлари бор. Уларнинг ўзини тутиши, муомаласи, тезкор қарорлар қабул қилишда аҳамият бериш керак бўлган жиҳатлар ҳақида тажрибали ходимларнинг фикрлари билан ўртоқлашаман.

Бугунги пандемия шароитида ички ишлар органлари ходимларига осонмас. Уларнинг зиммасига жуда катта масъулият юкланган. Гоҳида одамлардан ҳам хафа бўлиб кетаман. Осойишталик посбонларини, айниқса, пандемия кучайган бугунги синовли кунларда тўғри тушуниш керак, деб ҳисоблайман. Масалан, қандайдир тартиб-интизомга оид ҳаракат ёки ҳаракатсизлик айтилдими, шу нарсани қилиш керак. Бундай вазиятда уларга ёрдам беролмас эканмиз, ходимларни чалғитиб, уларнинг ўз вазифасини бажаришига халақит бериш ҳам керакмас. Насиб қилса, улар хизматининг қанчалик оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли эканини яна экранларга олиб чиқиш ниятим бор.

**«Postda» мухбири Шерзод АБДУСАМАДОВ суҳбатлашди.**



# Детская страничка

## Чужое яичко



Рано утром встала старушка Дарья, выбрала тёмное, укромное местечко в курятнике, поставила туда корзинку, где на мягком сене были разложены тринадцать яиц, и усадила на них хохлатку.

Чуть светало, и старуха не рассмотрела, что тринадцатое яичко было зеленоватое и побольше прочих. Сидит курица прилежно, греет яички, сбегает поклевать зёрнышек, попить водицы, и опять на место; даже вылиняла, бедняжка. И какая стала сердитая, шипит, клохчет, даже петушку не даёт подойти, а тому очень хотелось заглянуть, что там в тёмном уголке делается. Просидела курочка недели с три, и стали из яичек цыплята выклёвываться, один за другим: проклюнет скорлупку носом, выскочит, отряхнётся и станет бегать, ножками пыль разгребать, червяков искать.

Позже всех проклюнулся цыплёнок из зеленоватого яичка. И какой же странный он вышел: кругленький, пушистый, жёлтый, с коротенькими ножками, с широким носиком. «Странный у меня вышел цыплёнок, – думает курица, – клюёт, и ходит-то он не по-нашему; носик широкий, ноги коротенькие, какой-то косолапый, с ноги на ногу переваливается». Подивилась курица своему цыплёнку, однако же какой ни на есть, а всё сын. И любит, и бережёт его курица, как и прочих, а если завидит ястреба, то, распушивши перья и широко раздвинув круглые крылья, прячет под себя своих цыплят, не разбирая, какие у кого ноги.



Стала курочка деток учить, как из земли червячков выкапывать, и повела всю семью на берег пруда: там-де червей больше и земля мягче. Как только коротконогий цыплёнок завидел воду, так прямо и кинулся в неё. Курица кричит, крыльями машет, к воде кидается; цыплята тоже перетревожились: бегают, суетятся, пищат; и один петушок с испугу даже вскочил на камешек, вытянул шейку и в первый ещё раз в своей жизни заорал сиплым голоском: «Ку-ку-реку!» Помогите, мол, добрые люди! Братец тонет!

Но братец не утонул, а превесело и легко, как клок хлопчатой бумаги, плавал себе по воде, загребая воду своими широкими, перепончатыми лапами. На крик курицы выбежала из избы старая Дарья, увидела, что делается, и закричала: «Ахти, грех какой! Видно, это я сослепу подложила утиное яйцо под курицу».



## Найди отличия у героев мультфильмов

Сложно найти ребёнка, который не любит мультфильмы. И это вовсе не плохо, ведь его внимание можно переключить на игру поиска отличий на картинках, где изображены его любимые персонажи. У котика нужно найти 10 отличий, а вот с Микки Маусом будет гораздо проще, на картинках с ним всего 8 различий.



Викторина

## Для юных читателей: «Алиса в стране чудес»

**1. Кто написал сказку про приключения Алисы в Стране чудес?**

а) Ханс Кристиан Андерсен; в) Льюис Кэрролл;
с) Шарль Перро.

**2. Каким образом Алиса попадает в сказочную страну?**

а) через дупло большого дуба; в) через зеркало;
с) через кроличью нору.

**3. За кем погналась девочка в начале истории?**

а) за кроликом; в) за котёнком;
с) за бабочкой.

**4. Как звали птицу, встреченную Алисой на берегу Моря Слёз, речь которой была перегружена научными терминами?**

а) орлёнок Эд; в) Квази; с) Додо.

**5. Во что был одет Белый кролик?**

а) в лакированные сапожки и шляпу с пером;
в) в жилетку и лайковые перчатки;
с) в сюртук из зелёной парчи.

**6. Что умеет делать Чеширский Кот?**

а) исчезать полностью или частично и улыбаться;
в) висеть на дереве, зацепившись хвостом за ветку;
с) лаять как собака и вилять хвостом, когда радуется.

**7. Кто присутствовал на Безумном чаепитии?**

а) Алиса, Герцогиня и Белый кролик;
в) Алиса, Болванщик, Мартовский заяц и Мышь-Соня;
с) Чеширский Кот, Алиса и Червонная Королева.

**8. В кого превратился младенец в доме Герцогини?**

а) в птичку; в) в козлёнка; с) в поросёнка.

**9. За что Королева приговорила Герцогиню к казни?**

а) за то, что та надавала ей пощёчин;
в) за то, что она очень уродливая;
с) за то, что та не явилась на крокет.

**10. Какая птица выступала в качестве клюшки на королевском крокете?**

а) гусь; в) страус; с) фламинго.

**11. За что судили Валета Червей?**

а) за кражу тарелок;
в) за кражу клюшек для крокета;
с) за непочтительное обращение к Королеве.

**Ответы:** 1. в; 2. с; 3. а; 4. с; 5. в; 6. а; 7. в; 8. с; 9. а; 10. с; 11. а.

## КРОССВОРД



ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ ТОРГОВЛЕ ЛЮДЬМИ

# НЕГОДЯИ НЕ ДОСТИГЛИ ЦЕЛИ

**Одни люди мечтают о детях, другие стараются заработать на них деньги. В подтверждение тому – следующая история.**



Столичная девушка Мастура (все имена вымышленные) вышла замуж. Прошло время, а детей все не было. Тогда супруги решили усыновить ребенка. Мастура рассказала о совместном решении своему брату, Собиру. Готовый ради счастья сестры на многое, юноша попросил своего знакомого, Орифа из Андижана, решить этот вопрос. Ориф оказался человеком, готовым ради денег на все. Он принял предложение с радостью, решив обогатиться на этом, и срочно приступил к делу.

«Благодетель» позвонил своему знакомому, Саидакбару, проживающему в Кургантепинском районе, и рассказал о предложении, пообещав отблагодарить его, если удастся провернуть дело. Знакомый этот имел пристрастие к легким деньгам. Он информировал всех своих знакомых о том, что молодая пара ищет ребенка. Самым активным среди всех оказался Одил.

... Услышав, что его давняя подруга, Фарангиз, к которой он когда-то уже обращался с подобной просьбой, сидит со своей подругой, Гулхай, в одном из кафе районного центра, Одил тут же направился к ним. Поговорив немного, все вышли из кафе и пошли к сестре Фарангиз, Сурайё. Когда гости сидели за столом в ее доме, в комнату вошла девушка с девятимесячным ребенком на руках. Во время беседы Нигина, так ее звали, рассказала о том, как тяжело одной воспитывать четверых детей, просила совета. Одил сразу смекнул, что к чему, и предложил:

– Если ты продашь своего ребенка, то избавишься от части проблем.

– Кому я его продам? – спросила Нигина.

– Одной семье нужен ребенок. Я предложу им, они обязательно купят, – обрадованно ответил Одил, почувствовавший, что дело можно уладить быстро.

– За сколько они его купят? – заинтересовалась Нигина.

– За 1 000 долларов США, из которых по 100 долларов ты дашь мне и Гулхай, – нагло заявил Одил.

– Можешь сказать им, что я согласна, – обрадовалась Нигина.

Хозяйка дома и ее сестра были заняты своими делами и не сышали, о чем говорят гости. Воспользовавшись удачно складывающейся ситуацией, Одил позвонил Саидакбару и сообщил, что нашел ребенка. Тот тут же связался с Орифом, обрадовав последнего тем, что дело удалось, и они сегодня же прибудут в столицу.

Некоторе время спустя злоумышленники сели в такси и направились в Ташкент. В 20.30 вечера Ориф встретил преступную группу и отвез на собственном «Матизе» на рынок Куйлюк. Там их ждала Мастура, которая наконец-то исполнила свою мечту – стать мамой. Поздоровавшись с гостями, она радостно взяла дитя на руки. Однако ее смутил Ориф. Он заявил, что ребенок стоит 2 500 долларов США. Отдав малыша матери, Мастура ответила, что ей надо посоветоваться с домашними. Возвратившись домой, она все рассказала свекрови. Свекровь сообщила о данном обстоятельстве в соответствующие органы.

Наутро в одном из кафе города встретились заинтересованные стороны. В момент передачи ребенка и денег члены преступной группы были задержаны сотрудниками органов внутренних дел.

По данному факту было возбуждено уголовное дело. Все участники незаконной сделки получили соответствующее наказание.

**Эркин БЕКНАЗАРОВ,
капитан.**

# РУКА ПОМОЩИ

**Трудовые мигранты из Узбекистана, оказавшиеся жертвами обмана, вернувшись домой, чаще всего остаются наедине со своими проблемами. Но есть и те, кто обращается за помощью в Самаркандский филиал информационно-просветительского центра ISTIQBOLLI AVLOD.**



Главная задача сотрудников центра – предупреждение торговли людьми и других видов насилия, а также оказание социально-правовых услуг жертвам торговли людьми, мигрантам и уязвимым группам населения.

С начала года на номер горячей линии центра поступило более 750 звонков. Среди обратившихся – 108 женщин, 172 заявителям была дана юридическая консультация.

– Практика показывает, что большинство жертв – мужчины, а самый распространенный вид – трудовая эксплуатация, – говорит юрист центра ISTIQBOLLI AVLOD Фирдавс Мухаммадиев. – Мы не можем вести подсчет тех, кто оказался обманутым своим заграничным работодателем, но стараемся оказать помощь каждому. Конечно, можно избежать многих проблем, если работать за границей легально. Однако правовых знаний у большинства узбекистанцев, уезжающих на заработки, чаще всего не хватает, и люди попадают в беду.

С начала года, еще до объявления карантина, семеро наших соотечественников были возвращены из-за границы, среди них есть и женщины.

В январе текущего года в центр обратилась наша соотечественница, которая на протяжении четырех лет работала в одном из ресторанов в Казахстане. Вместе с мужем и маленьким ребенком они поехали на заработки, но владелец ресторана, отобрав паспорта, заставлял мигрантов выполнять самую сложную работу. Женщина хотела вернуться на Родину, но у нее не было документов, тогда она обратилась за помощью в центр ISTIQBOLLI AVLOD. Узнав о проблеме, сотрудники центра, связавшись с коллегами из ННО «Кайсар» в Казахстане, обеспечили возвращение семьи в Самарканд.

30-летняя жительница махалли Равот Тайлакского района после десятилетнего отсутствия тоже была возвращена на Родину. После смерти мужа, оставив матери двоих детей, она решила уехать на заработки в Россию. В Санкт-Петербурге встретила молодого мужчину из Таджикистана, с которым стала жить. Все эти годы она помогала детям, оставшимся дома. За десять лет совместной жизни женщина родила еще троих детей. Однажды отец семейства решил поехать в Таджикистан, но так и не вернулся. Наша соотечественница осталась в России без средств к существованию. Волонтеры российской негосударственной некоммерческой организации «Альтернатива» помогли женщине связаться с Самаркандским филиалом центра. Она собрала все необходимые документы и вернулась на Родину. Матери-одиночке с пятью детьми был выделен участок в родительском доме, где давно никто не жил. В настоящее время она трудится на собственном приусадебном участке.

– Мы помогаем обратившимся к нам женщинам начать новую жизнь. Если кто-то из них умеет, допустим, шить или печь, передаем им безвозмездно необходимые принадлежности и оборудование. В этом нам помогают партнеры. Таким образом, женщины могут зарабатывать себе на жизнь в родном городе, – поясняет наш собеседник. – Кроме того, каждая из обратившихся в центр, имеет возможность переобучиться. Мы сотрудничаем с Ассоциацией деловых женщин Узбекистана «Тадбиркор аёл», занимающейся, в том числе, и бесплатным обучением той или иной профессии, а также ведению собственного бизнеса.

**Замира БАЛТАЕВА,
корреспондент «На посту».
Фото автора.**

*Самаркандская область.*

ЖИНОЯТГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТИ

# ЎЗИНГНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛ, ҚЎШНИНГНИ ЎҒРИ ТУТМА!



**Сўнгги вақтларда мол-мулки, нарса-буюмлари, пулларини ўғирлатиб, ички ишлар органларига ёрдам сўраб мурожаат қилаётган фуқаролар сони сезиларли даражада ортди. Соҳа ходимлари ҳар бир ҳолат юзасидан суриштирув ишларини олиб бориб, жиноятни фош этишмоқда. Аммо масаланинг иккинчи томони кишини мулоҳазага чорлайди. Хўш, ўғирлик жинояти қандай ҳолатларда содир бўлмоқда? Асосан қанақа буюмлар, қаерларда ўғирланяпти?**

Фарғона вилоятида сўнгги икки ой давомида юз берган ўғирлик жиноятларини таҳлил қилиш жараёнида юқорида келтирилган мақол ёдга тушаверди. Негаки, вилоят ИИБ расмий сайтида ахборот хизмати томонидан берилган тезкор хабарлардан ҳам кўринадики, деярли барча ҳолатларда қаровсиз қолдирилган нарса-буюм, маблағлар ўғирланган.

Масалан, шу йилнинг 15 июнь куни Қува туманидаги Ғалаба кўчасида жойлашган савдо дўконидаги тарози олдида қолдирилган нархи 1 миллион 500 минг сўмлик «Samsung-J5» русумли уяли телефон аппаратини номаълум шахс ўғирлаб кетади. Агар фуқаро ўз телефонини дўконда қаровсиз ташлаб кетмаганида, бу ҳолат юз бермаслиги мумкин эди...

Фарғона шаҳрида яшовчи фуқаро Д.А. шаҳар ИИОФМБга мурожаат қилиб, 17 июнь куни «Spark» русумли автомашинаси салонидан 12 минг 700 АҚШ доллари миқдоридаги пул ўғирлаб кетилганини билдиради. Маълум бўлишича, автомашина кўчада қаровсиз қолдирилган, ўғри эса автоулов эшигини калит танлаш йўли билан очган.

30 июнь куни кечаси Ўзбекистон тумани Ибн Сино кўчасида жойлашган озиқ-овқат дўкони ташқарисида турган музлаткич ичидан нархи 3 миллион сўмлик колбаса маҳсулотлари ўғирланди. Бу жиноят ҳам тадбиркорнинг эътиборсизлиги туфайли юз берганига шубҳа йўқ.

– Аксарият ҳолатларда фуқаролар ўзларининг нарса-буюмларини, ҳатто доим олиб юрадиган уяли телефонларини ҳам эҳтиёт қилмайдилар. Бу эса ўғирлик жиноятининг содир бўлишига замин яратади, – дейди Фарғона шаҳар ИИОФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими терговчиси, катта лейтенант Акбаржон Бобораҳимов. – 2020 йилнинг ўтган 6 ойи давомида Фарғона шаҳри ҳудудида 134 та шу турдаги жиноят содир этилган бўлса, уларнинг 61 таси бевосита уяли телефон аппаратлари билан боғлиқ. Телефонларини қаердадир унутиб қолдириб, ўғирлатиб, кейин айюҳаннос соладиган фуқароларнинг баъзилари ички ишлар органи ходимларидан ўғрини тезроқ топишни талаб қилишади. Бироқ бу улар ўйлаганчалик осон иш эмас. Бунинг учун муайян вақт, чора-тадбирлар зарур бўлади.

Хулоса шуки, кимки ўғирлик жиноятидан жабр кўрдими, бу, биринчи навбатда, ўзининг лоқайдлиги туфайлидир. Донишмандлардан бирининг «Бошингга нима жабр келса, сабабини аввало ўзингдан изла» деган гаплари айни ҳақиқатнинг ўзгинасидир.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*

# Сохта блогернинг кирдикорлари



Наманган шаҳар ИИОФМБга Наманган – Тошкент йўналишида қатновчи киракашлик билан шуғулланувчи ҳайдовчиларга сохта ҳужжатлар тайёрлаш билан шуғулланиб келаётган фуқаро ҳақида хабар келиб тушади. Олиб борилган тезкор қидирув-суриштирув ишлари натижасида мазкур жиноят очилди. Жиноятчи автотранспорт машинасини бошқариш учун ҳайдовчидан талаб этиладиган гувоҳнома, стикер ҳамда бошқа ҳужжатларни қалбакилаштириб, бир миллион сўм эвазига сотаётган пайтида ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Косонсой туманида яшовчи ушбу фуқаро «мижозлар»ига ўзини «Qalampir.uz» сайтида ишлайман деб таништирган.

– Бир танишим бор эди. Ўша кезлари қайсидир бир сайтда ишларди. У Тошкент – Наманган йўналиши бўйича қатнайдиган ҳайдовчиларга сохта ҳужжатлар тайёрлаб берарди. Охири қинғир ишлари бошига етиб, жиноий жавобгарликка тортилиб кетди. Орадан пича вақт ўтиб, ундан ўрганганларим асосида мен ҳам шу ишга билиб-билмай қўл урдим. Қилмишимдан пушаймонман, – деди сохта блогер ўз кўрсатмаларида.

Жаҳон аҳли азият чекаётган қийин кунлар, албатта, ўтиб кетади. Аммо офатнинг қанчалар тез бартараф этилиши фақатгина масъул шахсларга эмас, сизу бизга, оддий одамларга ҳам боғлиқ. Карантин тартибларига амал қилмаслик оқибатида урчиб кетаётган касалликнинг оғир асоратларини кўра била туриб ҳам вазиятдан фойдаланиб, пул ишлаётган мана шу каби фуқароларнинг, қолаверса, уларнинг «хизмати»дан фойдаланаётганларни виждони ҳеч безовта қилмасмикан, деб ўйлаб қоласан киши...

**Адолат ФАЙЗИЕВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Наманган вилояти.*

# ИСНОД

Хатирчи тумани «Бинокор» МФЙда истиқомат қилувчи фуқаро В.У. тадбиркорлик фаолияти, аниқроғи, тижорат билан шуғулланарди. Яқинда не кўз билан кўрсинки, туман марказидаги деҳқон бозорида жойлашган дўкони эшигининг қулфини кимдир бузиб, умумий қиймати 21 миллион сўмлик ўн дона «Samsung» ва бир дона «Redmi note» русумли уяли телефон аппаратларини ўғирлаб кетибди.

«Мол аччиғи – жон аччиғи», деганларидек, у дарҳол туман ИИБга ариза орқали мурожаат этди. Ички ишлар органлари ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятни Самарқанд вилоятининг Нарпай тумани «Сарбозор» МФЙда яшовчи Н.К. содир этганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан Н.К.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилган. Ҳозирда дастлабки тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Бировнинг ҳаққига хиёнат қилиш, ҳаром луқма билан рўзғор тебратиб, бутун умр «ўғри» деган тамға остида яшаш иснод аслида. Бироқ енгил-елпи ҳаёт кечириш истагида бўлган айрим инсофсиз ва диёнатсиз кишиларнинг қилмиши туфайли, уларнинг оила аъзолари ҳамда яқинларининг ҳам юзи шувут бўлади.

34 ёшни қарши олган Н.К. ҳам 3 фарзанднинг отаси бўлишига қарамасдан, зиммасидаги масъулиятни, фарзандларига шахсий намуна бўлиши кераклигини англаб етмади. Натижада содир этган қилмиши сабаб кўни-қўшни, маҳалла-кўй олдида нафақат ўзининг, балки яқинларининг ҳам боши хам бўлди.

Эндиликда Н.К.нинг қилмишига қонуний баҳо берилиб, жавобгарликка тортилиши аниқ.

**Дилрабо АБДУҲАМИДОВА.**
*Навоий вилояти.*



Ўғирлик ош баданга юқмас. Халқ мақоли.

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

# ОРГАНИЗМНИНГ ҲИМОЯ ҚАЛҚОНИ

**Иммунитет инсон организмининг турли касалликларга қарши туриш ва курашиш қобилиятидир. Агар у суст бўлса, организм ҳар қандай дарднинг ривожланишини ўз вақтида тўхтата олмайди. Натижада касаллик исталган вирус ёки бактерия туфайли келиб чиқиши, оғир ва асоратли кечиши мумкин.**



## ИММУН ТИЗИМИНИНГ ЗАИФЛАШИШИ

**Иммунитет бир неча сабабларга кўра заифлашиши мумкин. Хусусан:**

- нотўғри овқатланиш – турли консервантлар, бўёқлар, қўшимчалар, таъм ва ҳид кучайтиргичлар билан бойитилган егулик ва ичимликларни, шунингдек, юқори калорияли, шўр, дудланган ва ёғли таомларни, таркибида шакар ва туз кўп бўлган маҳсулотларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш. Уларни ҳазм қилиш ва зарарли моддалардан организмни тозалаш учун кўп қувват сарфланади. Ахир, бу ресурс танага вируслардан ҳимояланиш учун исталган пайтда зарур бўлиши мумкин;
- озиш мақсадида парҳез таомлар истеъмол қилиш ва оч қолиш;
- витаминлар етишмаслиги;
- антибиотиклар қабул қилиш – улар нафақат касал қўзғатувчи, балки организм учун фойдали бактерияларни ҳам ўлдиради ва иммун тизимига салбий таъсир кўрсатади;
- ёмон экология (сув, ҳавонинг ифлосланиши, юқори даражали нурланиш ва ҳ.к.);
- организмни ортиқча зўриқтириш. Ҳам жисмоний, ҳам ақлий зўриқиш танани ҳолдан тойдиради, унинг касалликларга қарши туриш қобилиятини сусайтиради;
- ўз вақтида ва меъёрида ухламаслик. Бунда организм тикланишга улгурмайди, натижада асаб тизимининг зўриқиши иммунитетга акс таъсир қилади.

**Иммун тизими фаолияти заифлашганини қандай биламиз?**

- Сурункали чарчоқ, ҳолсизлик;
- тез-тез шамоллаш;
- ишлашга лаёқатнинг сустлашиши;
- овқат ҳазм қилиш тизими органларида муаммолар юзага келиши;
- кучли руҳий ҳаяжон, асабийлашиш;
- жароҳатнинг секин битиши – иммунитет тушганда, тананинг ўзини ўзи тиклаш қобилияти ҳам сустлашади;
- кўпроқ ширинлик ейиш истаги.

Бундай ҳолларда шифокорлар зарур витаминлар ва минераллар миқдорини кўпайтириш орқали овқатланиш тартибини йўлга қўйишни тавсия этишади.

## УЙ ШАРОИТИДА ИММУНИТЕТНИ ҚАНДАЙ ОШИРИШ МУМКИН?

Рационал овқатланиш организмнинг ҳимоя кучларини мустаҳкамлашга имкон яратиб, умумий аҳволни яхшилайди. Бунда кун давомида истеъмол қилинаётган егуликлар турли-туман бўлиши, зарур миқдорда оқсил, ёғ ва углеводларни ўз ичига олиши лозим. Доимо соғлом бўлишни истаган одам ўз таомномасига сархил мева ва сабзавотлар, кўкатлар, сут маҳсулотлари, гўштли ёки балиқли таомлар, дуккакли маҳсулотлар, ёнғоқлар, шунингдек, кўк чой, узум, помидор ва анор шарбатини киритиши керак.

Халқ табобати ёрдамида ҳам касалликларга қарши туриш кучини ошириш мумкин. Бунга мисол тариқасида бир нечта рецептларни тавсия этишимиз мумкин. Бироқ уларни қўллашдан олдин оилавий шифокорингиз билан маслаҳатлашишни унутманг:

1) 300 граммдан баргак, майиз, ёнғоқ ҳамда 3 та лимонни пўсти билан бирга гўшткиймалагичдан ўтказиб, унга таъбга кўра асал солинг. Тайёр ширинликни кунига бир маротаба оч қоринга ёки овқатдан бир соат олдин 1 ошқошиқ миқдорида қабул қилинг;

2) бир ошқошиқдан қуритилган наъматак ва бодрезак (калина) 1 чойқошиқ



миқдордаги лимонўт (мелисса) ва маврак (шалфей) билан аралаштирилади. Сўнгра устига 0,5 литр қайнаган сув қуйиб, 2 соат давомида дамлаб қўйилади;

3) 3 дона саримсоқ тишчаси, битта лимонни майдалаб янчиб, унга ярим пиёла асал қўшинг. Ушбу тайёр маҳсулот оч қоринга ва уйқудан олдин бир ошқошиқдан қабул қилинади. Саримсоқ ўрнига занжабил ёки алоэ шарбатини қўшиш мумкин;

4) 250 грамм пиёзни майдалаб 200 грамм шакар билан аралаштиринг. Сўнгра унга 0,5 литр сув қуйиб, паст оловда бир ярим соат қайнатинг. Совуганидан сўнг 2 ошқошиқ асал солиб, масаллиқни сузгичдан ўтказинг. Кунига 2 марта 1 ошқошиқдан тановул қилинг.



**Организмни зарур витаминлар билан таъминлаш.** Шуни унутмаслик керакки, витамин етишмаслиги ҳам, ортиб кетиши ҳам бирдек зарарлидир. Шунинг учун уларни шифокор тавсияси билан қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Инсон саломатлиги учун озуқавий моддалар ва кислород зарур. Жисмоний ҳаракат эса қон айланишини яхшилаб, фойдали моддаларнинг қон томирлари бўйлаб етказилиши ва токсинларнинг чиқарилишига хизмат қилади. Уй шароитида бўлса ҳам, спорт билан шуғулланишга, кўпроқ ҳаракатланишга, организмни чиниқтиришга интилинг.

Кун давомида кўп миқдорда суюқлик ичинг. Негаки, сувсизланиш натижасида организмнинг асосий функциялари, жумладан, вирус ва инфекцияларга қарши курашиш қобилияти сусаяди.

Соғлом ва тўлақонли уйқу танага янги куч бахш этади, асаб тизими фаолиятини яхшилайди, қувват захирасини тўплайди ва иммунитетни кучайтиради. Инсон кунига 7–8 соат мириқиб ухлаши лозим. Меъёрида ҳордиқ олмаган одам жиззаки ва беэътибор бўлиб қолади, бу эса руҳий зўриқиш юзага келишига олиб келади.

**Чекиш ва спиртли ичимликлар истеъмолидан ўзини тийиш.** Сигарета тутатаётган инсон оғзида организмнинг иммун кучи эътиборини ўзига жамловчи яллиғланиш ўчоғи юзага келади. Шунинг учун кашандалар сил ва саратон хасталигига кўпроқ мойил бўлади. Спиртли ичимликлар ҳам одамнинг ҳимоя қобилиятини чегаралаб, онкологик ва жигар касалликлари келиб чиқиши хавфини кучайтиради. Шу боис иммун тизими фаолиятини яхшилаш учун улардан воз кечган маъқул.

## ИММУНИТЕТНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ ЭНГ АСОСИЙ МАҲСУЛОТЛАР

**Саримсоқпиёз** асабийлашиш, стресслардан сўнг организмнинг тикланишига хизмат қилади. У жигарни тозалайди, яллиғланиш ва шишларга қарши самарали восита.

**Занжабил (имбир)** ҳам иммун тизими фаолиятини тезда яхшилашга қодир. Унда минерал ва витаминлар кўп миқдорда мавжуд.

**Асал.** Уни кунига бир ошқошиқдан истеъмол қилиш саломатлик учун ўта фойдали.

**Наъматак** таркибида С витамини юқори бўлгани боис бактерияларга қарши кучли ва самарали восита ҳисобланади.

Лимон, апельсин, ширин гармдори, қорағат, лавлаги С витаминига бой.

**Одамгиёҳ (женьшень) илдизи.** Иммун тизимини кучайтиришда унга тенг келадиган йўқ. Бундан ташқари, у қондаги «зарарли» холестеринни ҳайдайди, кўриш қобилиятини яхшилайди.

**Пиёз** организмга микроблар билан курашишда ёрдам беради, саратон ҳужайралари ўсишига тўсқинлик қилади, иммунитетни кучайтиради.

**Ошқовоқ** А витамини ва бета-каротинлар манбаи бўлиб, иммун тизими фаолиятини яхшилашда хизмати катта.

**Шолғом** антиоксидант, минерал, витамин ва бириктирувчи тўқималарнинг табиий манбаи ҳисобланади.

Ушбу табиий маҳсулотлардан унумли ва меъёрида фойдаланилса, иммун тизими сизни ҳимоя қилишдан тўхтамайди.

*Инсон ўз саломатлиги ҳақида доимо қайғуриши лозим. Айниқса, коронавирус дунё бўйлаб тез тарқалаётган ҳозирги дамда бу жуда аҳамиятли. Беҳуда ваҳимага тушиб, вирус юқишидан чўчиб яшагандан кўра, у билан кураша олишга қодир ягона ҳимоячи ҳисобланган иммунитетни кучайтиришга ҳаракат қилинг.*

**«Postda» мухбири Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

ИИВ Фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги генерал-майор **Комилжон ХИДИРАЛИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби ўта муҳим ишлар бўйича терговчи подполковник Наргиза Ходжабаевга онаси **ОРИНГУЛ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда Фахрийлар кенгаши Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили, лейтенант Ўғилой Сатторовага падари бузруквори, истеъфодаги майор **Эрназар САТТОРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ИИВ Малака ошириш институти раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник Ўткир Гулматовга синглиси **Нилуфар ГУЛМАТОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда Фахрийлар кенгаши бошқарма бошлиғининг ЖТСБ ўринбосари, подполковник Исмоил Амановга падари бузруквори **ИСОҚУЛ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти ИИББ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда Фахрийлар кенгаши истеъфодаги полковник Азиз Бобохўжаевга онаси **ДИЛБАРХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

СОСТАВ ПРЕСТУПЛЕНИЯ

# Пресечена деятельность притона

**Статья 278 Уголовного кодекса Республики Узбекистан предусматривает суровое наказание за незаконную организацию или проведение азартных и других, основанных на риске игр, в том числе организацию или содержание притонов для таких игр.**



21 июля 2020 года, примерно в 18.30 вечера в ходе оперативного мероприятия сотрудниками ОВД Букинского района Ташкентской области было установлено, что 51-летний А. Т. в помещении принадлежащего ему торгового комплекса, расположенного в МСГ «Тошлок», создал условия пяти гражданам для незаконных карточных азартных игр. Правоохранителями в качестве вещественных доказательств изъяты поставленные на кон 1 510 000 сумов.

Как сообщает Следственный департамент при МВД Республики Узбекистан, по данному факту СО при ОВД Букинского района возбуждено уголовное дело по ч. 1 ст. 278 («Организация и проведение азартных и других основанных на риске игр») Уголовного кодекса Республики Узбекистан. Проводятся следственные действия.

**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент**
**«На посту».**

# Отнюдь не слабый пол

**Женщина – нежное и прекрасное создание – вмиг может превратиться в строптивого и агрессивного человека, если ее разозлить.**



Произошедший в Намангане случай показывает, что некоторые представительницы прекрасного пола в порыве гнева могут пойти на крайние меры в отношении обидчиков.

В середине июля, вечером жительница города Намангана поругалась со своей соседкой. Слово за слово, и ситуация вышла из-под контроля. Несмотря на значительную разницу в возрасте: первой было за тридцать, а второй – за пятьдесят, никто из строптивых дам не хотел уступать.

Словесные баталии имели нешуточные последствия. В порыве гнева кухонным ножом, который оказался под рукой, женщина ранила левую руку соседки. Пострадавшую пришлось отвезти в больницу.

По данному факту 21 июля СО при УКД ОВД г. Намангана возбудило уголовное дело в соответствии с ч. 2 ст. 109 Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

В жизни, конечно, разное случается, но что бы то ни было, не стоит позволять гневу управлять собой, потому что за последствия отвечать все-таки придется.

**Азиза ЖАНИЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

*Наманганская область.*

КОРРУПЦИЯ – ПОРОЧНЫЙ КРУГ

# Быть честным и принципиальным

**Во все времена чистые руки олицетворяли не только физическое состояние тела, особо почтительное отношение к гигиене, и вообще, к внешнему виду. Чистые руки – еще и аллегория честности, порядочности, бескорыстия. Это вовсе не про тех, кто, чураясь тяжелого труда, старается быть чистеньким, словно первовыпавший снежок.**




Руки гончара могут быть в глине, руки кузнеца – покрыты копотью, сажей, руки пекаря – в белой муке, а руки писателя измазаны чернилами. Но при этом нелегкий труд и мастерство дают право искренне уважать тех, кто приносит людям пользу, делает это мир краше, добрее, светлее. Другой вопрос, когда руки внешне ухожены да чисты, а душа полна грязи, когда терзают жадность и жажда наживы, заставляя идти на преступление, утратив чувство меры, напрочь позабыв о таких человеческих качествах, как совесть и элементарная порядочность.

Коррупция, словно синоним коррозии, неотвратимо разъедающей прочный металл, способна вот так же разрушить сущность специалиста, облеченного властью. Стоит лишь только однажды поддаться искушению, и, как обычно говорится в сухих строках уголовного дела, «…использовать свое служебное положение в корыстных целях…». Так один соблазн потянет за собой другой, хотя мздоимцы, как их называли в былые времена, с неизменной периодичностью попадались и попадаются в руки правосудия. А там по схеме: арест–следствие–суд–тюремные нары. Так было и будет всегда. А потому если государственный чиновник, специалист какого бы то ни было уровня, от которого кто-то или что-то зависит, будет требовать или вымогать «благодарность» за свой труд, это рано или поздно закончится для него весьма и весьма плачевно.

Конечно, каждый из нас сам выбирает свой жизненный путь, свою стезю, а дилемма шекспировского Гамлета: «быть или не быть» ставит задачу конкретно, так сказать, ребром. Если чиновник охотно принимает так называемое «подношение» в благодарность за особо, подчеркнем это слово – «особо» проявленное внимание к проблеме, то где тут правда и справедливость? Ведь коррумпированные чиновники и специалисты не просто берут взятки, систематически, с завидным упорством пополняя свой и без того не тощий кошелек. Они, по сути дела, подтачивают устои государства, превращая свой труд, за который, между прочим, получают заработную плату, в неплохой, с их точки зрения, дополнительный доход, мотивируя свою преступную деятельность тем, что раз уж судьба выдала такой уникальный шанс, то грех не воспользоваться.

При этом не следует забывать, что не только взяточник, но и взяткодатель преступает закон, и этот факт неопровержим. Невозможно, к примеру, заставить человека плохо учиться, или, нарушив правила дорожного движения, по-рабски склонившись, угодливо улыбаясь, предлагать сотруднику органов внутренних дел денежную «компенсацию». Никого насильно это делать не заставишь.

Ну, а если вымогают, то дело это надо пресекать на корню. Подавать заявление в контролирующие органы, тем более в нашем государстве в аспекте борьбы с коррупцией имеется прочная законодательная и правовая база. И наказывать коррупционеров следует по всей строгости закона, так, чтобы это было всем наказаниям наказание, так, чтобы другим неповадно было.

По правде говоря, это мы сами, уважаемые читатели, растим и культивируем взяточников всех мастей и уровней. Мы даем им повод активно торговать своими возможностями, ставим их в ряд привилегированных особ, от которых зависит, в общем и целом, благополучие наше и близких нам людей. Вот и делайте из этого соответствующие, а главное – правильные выводы, уважаемые чиновники.

Взять или не взять? Вот в чем вопрос!

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**

– Еще хоть раз услышу о коррупции в наших рядах – головы повыкручиваю.



ЭТО ИНТЕРЕСНО

# Первые сотовые телефоны



**Сейчас смартфон есть практически у каждого, а многие владеют одновременно несколькими аппаратами. Но еще совсем недавно мобильный телефон был самой настоящей роскошью, доступной лишь избранным, у которых хватало средств на его приобретение и оплату недешевой по тем временам сотовой связи.**

Кто-нибудь знает, что история мобильных телефонов началась вовсе не с Motorola? Первый в мире мобильный телефон был создан инженером Л. Куприяновичем в 1957 году. Свое изобретение он назвал в честь себя – ЛК-1. Настоящий переносной телефон весил 3 кг, имел огромную батарею на 20 часов заряда. Радиус его действия составлял 30 км. Уже через год Куприянович выпустил новую модель, ЛК-2, весом 500 граммов. Именно ее правильно считать прародителем современных мобильников.

В том же году Куприянович демонстрирует еще более удивительную вещь – рацию размером со спичечный коробок и весом всего 50 граммов (вместе с источниками питания), которая могла работать без смены питания 50 часов и обеспечивала дальность связи два километра. При этом изобретатель не только обошелся без микросхем, которых в то время просто не было, но и вместе с транзисторами использовал миниатюрные лампы.

Можно удивляться, насколько точно Куприянович более полувека назад представлял себе, как широко войдет мобильный телефон в нашу повседневную жизнь.

«Взяв такой радиофон с собою, вы берете, по существу, обычный телефонный аппарат, но без проводов, – писал изобретатель. – Где бы вы ни находились, вас всегда можно будет разыскать по телефону, стоит только с любого городского телефона (даже с телефона-автомата) набрать известный номер вашего радиофона. У вас в кармане раздается телефонный звонок, и вы начинаете разговор. В случае необходимости, вы можете прямо из трамвая, троллейбуса, автобуса набрать любой городской телефонный номер, вызвать «скорую помощь», пожарную или аварийную автомашины, связаться с домом…»

Трудно поверить, что эти слова написаны в середине XX века.

Ну а первый, именно сотовый телефон создала уже компания Motorola – глава подразделения мобильной связи Мартин Купер в 1973 году представил модель DynaTAC. Телефон весил 1,15 кг, его хватало всего на 30 минут работы, а заряжался он 10 часов. Он имел экран, отображавший лишь набираемые цифры.

Motorola StarTAC – самый первый телефон-раскладушка. Он был выпущен в 1996 году и оказался невероятно успешным – по всему миру разошлись 60 миллионов экземпляров. В отличие от рассмотренных «кирпичей», этот мобильник имел небольшие габариты и весил всего 90 граммов, но стоил при этом около 1 000 долларов США.

А вот первый в мире смартфон выпустила не Apple – ее iPhone вышел в 2007 году, история «умных» телефонов началась в 1996 году с выходом модели IBM Simon. Она имела огромный сенсорный экран со стилусом, поддержку факса и электронной почты, встроенный блокнот и калькулятор, и стоила, как и раскладушка Motorola, 1 000 долларов США. Но смартфонами на тот момент никто не интересовался, и привлечь внимание к ним смогла лишь Apple спустя долгие 11 лет.

Первый Apple iPhone вышел в 2007 году и перевернул рынок мобильных устройств.

Apple и сейчас производит смартфоны. В ее коллекции насчитывается уже более 10 моделей. Выход новой версии происходит каждый год.

**Подготовил Борис КЛЕЙМАН, корреспондент «На посту».**



# ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

***(с 3 по 9 августа)***



**Овен.** Вам захочется остаться наедине с собой. Попросите близких быть лояльнее к вам в эти дни. На работе ждет успех, все сложится очень удачно. Сейчас вы трудитесь, образно говоря, про запас. Ваши старания заметят чуть позже. Не забывайте и про семью.



**Телец.** На этой неделе можно активно проявлять свою любознательность. Если не хотите ничего пропустить, интересуйтесь всем. Для дома и работы потребуются силы. Не тратьте их впустую. Отмените встречи.



**Близнецы.** Вы можете браться за любые серьезные дела, не переживая о результате. Он будет хорошим! Деньги пока тратить не стоит. Лучше заведите отдельный счет в банке и постоянно пополняйте его. На рабочем месте соблюдайте все правила безопасности.



**Рак.** Может ухудшиться ваше самочувствие. Постарайтесь избежать ссор дома. Не начинайте серьезные дела. На выходных необходимо отдохнуть, чтобы восстановить силы и здоровье. Помощь может прийти неожиданно от старых друзей.



**Лев.** Возможно переменчивое настроение. Если не можете сдержать эмоций, лучше побыть в одиночестве. К концу недели вы почувствуете желание что-то изменить в доме. Творите! Данный период обещает множество новых задач. Они пойдут вам на пользу.



**Дева.** Даже если будут возникать проблемы, не рассказывайте о них никому. Нужно просто переждать это время, и все восстановится. В личных отношениях тоже наступит затишье. Используйте его для того, чтобы изменить что-то в собственной жизни.



**Весы.** Займитесь самообразованием: неплохо в эти дни изучать и узнавать что-то новое. Очень благоприятное время для создания семьи. На работе ожидается затишье и дома – полный штиль.



**Скорпион.** Вас ждет много работы, приятной и не очень. Людей, которые вызывают у вас негативные эмоции, вычеркивайте из своей жизни. В первую половину недели можете чувствовать усталость. Поберегите себя и откажитесь от физических нагрузок.



**Стрелец.** Пришло время проявить свои организационные навыки – будете на высоте. С деньгами все сложится отлично, так что можете совершать крупные покупки. А вот в семейной жизни возможны некоторые трения, будьте к этому готовы.



**Козерог.** Уверенности вам сейчас не занимать. Распорядитесь ею с умом! Если будут предлагать дополнительные обязанности на работе, не соглашайтесь! Выходные постарайтесь провести с пользой, решите дела, которые успели накопиться.



**Водолей.** Велика вероятность, что вас ждут финансовые потери. Главное – не горевать. В отношениях с родными не обойдется без разногласий. Зато порадуют дети успехами и искренней любовью. К концу недели все наладится.



**Рыбы.** О проблемах со здоровьем сейчас вы забудете. Будет много работы, поэтому на общение с близкими не останется времени. Возникающие разногласия лучше сглаживать пониманием и добрым отношением. Постарайтесь разгрузить свой график хотя бы на выходные дни.

Руководство, личный состав и Совет ветеранов Академии МВД Республики Узбекистан извещают о кончине ветеранов Академии, участника Второй мировой войны подполковника в отставке **Ивана Павловича МИТЯКИНА,** полковника в отставке **Султонбоя Курбанбаевича ТАНГИРБЕРДИЕВА,** майора в отставке **Шермухаммада Хушвактовича ХИДИРОВА** и выражают искренние соболезнования родным и близким покойных.

Руководство, личный состав и Совет ветеранов МВД Республики Каракалпакстан извещают о кончине начальника отдела координации деятельности кинологической службы УППСиООП подполковника **Есемурата КАЙПНАЗАРОВА,** старшего инспектора профилактики ОПП ОВД Кунградского района подполковника **Мансура ГАНИБАЕВА,** ветерана органов внутренних дел майора в отставке **Узакбергена ТЛЕУМУРАТОВА** и выражают искренние соболезнования родным и близким покойных.

БИЛАСИЗМИ?

# АКСИРИШ ТЕЗЛИГИ ҚАНЧА?



Бу саволга жавоб топиш учун мутахассислар махсус тажрибалар ўтказишига тўғри келди. Бунда кўнгиллиларнинг бурун соҳасига аксирганидан сўнг ўлчов асбоблари қайд этиши мумкин бўлган яшилсифат газ киритилди.

Маълум бўлишича, газ оғиз ва бурундан пойга автомобили тезлиги билан (соатига 165 километргача) отилиб чиқар ва шу ондаёқ атрофга, бир неча метр масофага сочилар экан. Бу грипп ёки бошқа юқумли касалликлар билан оғриган бемор атрофдагилар учун қанчалик катта хавф туғдиришини исботлади.

## КАРАНТИН ТАБАССУМИ




## ТУШИНГИЗНИ СУВГА... АЙТМАНГ

Қадимги Хитой, Юнонистон, Мисрда руҳонийлар туш таъбирчилари ҳисобланган. Ҳатто Спарта давлатида туш таъбирчилари учун махсус лавозим ҳам таъсис этилган.

Тушни башорат қилиш масалалари билан шуғулланган рус олими В. Касаткиннинг фикрича, мия рўй бериши мумкин бўлган айрим воқеалар ҳақида илгарироқ туш орқали «хабар» беради. 41 мингта





тушни ёзиб олиб, тиббий нуқтаи назардан таҳлил этган тажрибали олим тушни сувга эмас, шифокорга айтган маъқул, деган фикрга келади. Унинг таъкидлашича, вақти келиб оилавий шифокорнинг беморга берадиган саволлари қаторидан «Сиз қандай тушлар кўраяпсиз?», деган савол ҳам ўрин олади.

ЯНГИ АТАМАЛАР

## Тимбилдинг нима?

**Тимбилдинг (team building** – жамоа тузиш) – умумий мақсадга эришиш, иш самарадорлигини ошириш учун жамоани биргаликда фаол ҳаракат қилишга ўргатувчи тренинглар, ўйинлар, квестлар.




Бирлик руҳини яратишга қаратилган вазифаларни бажариш асносида жамоа аъзолари янги алоқа нуқталарини топишади, ўзаро ижобий муносабатлар мустаҳкамланади.

Тимбилдингни ўтказиш формати турлича: психологик, ижодий, спорт ва бошқа йўналишларда бўлиши мумкин. Бу белгиланган мақсад ва вазифалар, жамоанинг истак-хоҳишига боғлиқ. Асосийси, тимбилдинг иштирокчиларда ижобий ҳис-туйғулар уйғотса бўлгани.

Сўнгги вақтларда ички ишлар органларида бўлинмалар шахсий таркибининг жамоавий руҳини мустаҳкамлаш мақсадида тимбилдинг форматидаги тадбирлар фаол тарзда ўтказилмоқда. Бу тадбирлар асосан ёш ходимлар иштирокида ташкил қилинмоқда.

**Машҳурлар ҳаётидан ҳангомалар**

## «ТОПҚИРЛИК»НИ ҚАРАНГ

Исаак Ньютон илмий изланишлардан бўш пайтлари майда-чуйда ишлар билан шуғулланишни ёқтирарди. Бир куни у уй- ига кириш эшигидан мушуги хоҳлаган пайти ташқарига чиқиб-кириши учун тешик ўйди. Мушуги болалагач, улар учун ҳам олтита тешикча ўйиб қўйди.



## БИР ҲОВУЧ ДУР

*Нимаики олаётган бўлсангиз, билингки, у бергангизни акс эттиради.*

*Ғоя ва фикрлар худди ҳосил мисоли, уларни ўз вақтида териб олиш зарур.*

*Инсонлар мослашиш асносида ўзини сақлаб қолишга интилади ва натижада ўзлигини йўқотади.*

*Китобсиз ниманидир ўрганишга интилиш тўр билан сув тўплашга уриниш демакдир.*

*Некбин инсон (оптимист) ҳамма нарсада яшил рангни, умидсиз ва ишончсиз одам (пессимист) эса қизил рангни кўради. Аммо асл доно киши дальтоник (рангларни фарқлай олмайдиган) бўлишни маъқул кўради.*

*Қалбингизда чўкинди, қуйқумлар бўлмаслигини истайсизми? Қизишманг ва «қайнаманг»!*

*Ақл билан моҳирона кўтарилган оғир юк енгиллашади.*

*Ўз ҳуқуқидан фойдаланган одам ҳеч кимнинг ҳуқуқини бузмайди.*

**Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.**

Postda
На посту

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o‘rinbosari –
mayor Azizjon FAYZIYEV

Mas’ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
Foziljon MAMASHARIPOV
Georgiy PETROSYAN

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.
Obuna masalalari bo‘yicha:
71-231-38-74;
95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001. Bank kodi 00420. ATIB «Ipotekabank»ning Mirobod filiali. STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo‘lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko‘chirib bosilganda manba ko‘rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
Buyurtma №V-4255.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 56 650 nusxada chop etildi.
Obuna raqamlari:
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko‘chasi 9-uy.